Пахта фронти илгорларига тенглашинг!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

43-йил чиқиши № 221 (11.970) | Чоршанба, 20 сентябрь 1961 йил. | Баҳоси 2 тийин

Мусо Ҳасанов бригадаси пахта планини бажарди ❋ **Ленин номли колхозда 39 теримчи мавсум нормасини адо этди** ❋ Қумрихон Рустамова бир кунда 300 килограмм пахта терди.

БАРЧА КУЧ ВА ВОСИТАЛАРНИ САФАРБАР ЭТИБ, ҲАР КУНИ 2,5-3 ПРОЦЕНТ ПАХТА ТОПШИРАЙЛИК!

ҲАММА КУЧ ТЕРИМГА!

Пахта йиғим-терими қизғин паллага кирди. Машиналарнинг шпендели, теримчиларнинг чевар қўллари бундан буён чаноқлардан момиқ пахталарни кўплаб олади. Олтин фаслнинг ҳар бир куни ва ҳар бир соатида сўнгги кўраклар ҳам етилиб очилмоқда.

Республикамиз пахта далаларининг азаматлари йиғим-терим суръатини кундан-кун оширмоқдалар. Улар йиғим-терим бу йилги шароитда жонбозлик билан меҳнат қилишни талаб этаётганлигини чуқур англамоқдалар. Ҳар кимнинг дилида жонажон партиямизнинг XXII съездини катта пахта хирмони билан кутиб олиш орзуси тўлиб-тошмоқда.

Шу кунларда каттадан кичик — ҳамма пахта сводкасига зўр қизиқиш билан қарамоқда. Ахир, республикамиз меҳнаткашлари пахта туфайли ўз ифтиҳорларига янада катта мазмун қўшилишини, миллий бойликлари тағин ҳам ошишини биладилар.

Андижон, Бухоро ва Хоразм областлари пахта тайёрлашда суръатни тобора оширмоқдалар. Деҳқонобод, Ленин, Поп, Юқори Чирчиқ каби ўнлаб районлар ҳозирнинг ўзидаёқ давлатга йиллик планнинг 25-40 проценти миқдорида пахта топшириб қўйдилар. Қоракўл районидаги «Октябрь» колхози ҳар куни йиллик планнинг 3,5-4 проценти миқдорида пахта тайёрламоқда. Шу колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шарофат Баракаева бошлиқ бригадаси ва Теша Жумаев бошлиқ юзцентнерчи звеноси давлат планларини бажарганликлари ҳақида сентябрнинг ярмидаёқ рапорт бердилар.

Бундай хушхабарлар пахтачилик йилининг муваффақиятли якунланишидан далолат бермоқда. Илғорлар сафи кундан-кун кенгаймоқда. Ҳар куни 150-200 килограммдан пахта терувчилар сони ошмоқда. Анчагина жойда машина терими ҳам бошланди. Эрта-индин ҳамма агрегатлар ишга тушади. Бундан буён пахта хирмонлари янада баландроқ кўтарилади.

Ҳозир республикамизнинг ҳамма областлари, районлари, колхоз ва совхозларида пахта текис очилди. Шу нуқтаи назардан олганда йиғим-терим суръатини кескин даражада ошириш, ҳозирги топширилаётган пахта билан сира каноатланмай, ҳар куни давлатга камида 2,5-3 процент пахта топширишга эришиш керак. Шу максадда ҳамма эътиборни йиғим-терим суръатини кўтаришга қаратмоқ лозим. Область ва районларнинг партия, совет ташкилот раҳбарлари, колхоз правлениелари ва совхозларнинг дирекциялари терим суръатини оширишга қаратилган барча муҳим тадбирларни сира кечиктирмай амалга оширишлари керак.

Лекин кўпгина жойларда пахта тайёрлаш суръати талабга жавоб бермайди. Фарғона, Тошкент областлари ва Қорақалпоғистон АССРда, Кегайли, Гулистон, Пахтакор, Қуйи Чирчиқ, Хўжайли, Янгиер, Комсомол, Каттақўрғон, Амударё, Қўнғирот, Тахтакўпир, Карши, Свердлов, Конимех ва бошқа районларда барча имкониятлар мавжуд эканлигига, пахталар яхши очилганлигига қарамай, бир кунда тайёрланаётган пахта 1,20-1,40 процентдан ошмаётир. Бунга асосий сабаб шуки, бу область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетлари ҳамда колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бутун кучни пахта теримига тўла сафарбар этмаганлар. Айрим жойларда графикда белгиланган миқдордагидан ҳам кам пахта терилмоқда. Теримга ажратилган кучларнинг катта бир кисми бошқа ишлар билан банд.

Пахта тайёрлашни намунали уюштириб, ҳар куни йиллик планнинг 2,5-3 проценти, ҳатто ундан ҳам орттириб пахта топшираётган илғорлар ҳар бир район ва областда бор. Бироқ, уларнинг тажрибалари, ишни уюштиришдаги яхши намуналари кенг оммалаштирилмаётир. Қолоқ колхоз ва совхозларнинг ҳамда районларнинг оркада колиш сабаблари ўрганилмайди.

Шу кеча-кундузда кейингилар олдингилар билан бараварлашиб олмаса, қачон бараварлашади!

Пахта қийғос очилган, куч ва техника етарли, ҳамма шароит мавжуд бўлган ҳозирги вазиятда республикамизда 2,5-3 процент пахтани шу кунларда берилмаса, қачон берилади! Ҳар бир пахтакор, ҳар бир раҳбар ходим ўзига ана шу саволни бериши керак.

Терим суръатини ошириш учун аввало, ишчи кучи ва техникани жой-жойига қўйиш керак. Ҳар бир теримчининг далада алоҳида ўрни бўлиши лозим. Қолоқларнинг илғорлар соясида яшириниб қолишига асло йўл қўймаслик керак. Терим илғорларини рағбатлантириб бориш зарур. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг шу йил 15 августда чиқарган қарорига мувофиқ пахта тайёрлашда ишловчи ҳар бир кишига моддий ва маиший шароитни етарли равишда яратиб бериш лозим.

Бу йил пахта теримини машиналар зиммасига юклашда яна бир кадам илгари босилади. Бу йил республикамизда камида 600 минг тонна пахта машинада терилиши керак. Бу — ўз-ўзидан бўлмайди. агрегатларни ишга сифатли тайёрлаш, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш, машина теримини ўз вақтида кучайтириб юбориш талаб этилади. Афсуски, бу соҳада анча сусткашлик қилинмоқда. Пахтаси машинада териладиган ғўзаларнинг баргини тўктириш учун дори пуркаш ишларининг жуда сўст олиб борилаётганлиги ишимизнинг ёмон томонидир. Бирор областда шу вақтгача дори пуркаш плани 50 процентга етган эмас. Дори пуркаш ва чанглаш Фарғона областида энди 1,3 процент, Бухоро областида 15,7 процент, Андижон областида 13,2 процент бажарилганлиги кечирилмаслик бир ҳолдир. Рақамлар шундай экан бу ерларда машина теримининг муваффақиятли боришига кандай қилиб тўла ишониб бўлади. Ғўзаларга дори пуркашнинг ҳаддан ташқари кечиктирилиши машина теримига ҳали ҳам кўпгина жойларда эътиборсизлик ва масъулиятсизлик билан қаралаётганлигини кўрсатмайдими? Область ва районларнинг партия, совет ташкилот раҳбарлари буни ҳисобга олишлари, машина теримига тайёргарлик билан боғлиқ бўлган барча ишларни тез кун ичида тугаллашга бевосита бошчилик қилишлари керак.

Шу кунларда терилган пахтани ўша куни давлатга топшириш учун тўла имконият бор. Бунинг учун транспортларни конвейер усулида ишлатишга жиддий эътибор бериш зарур. Тайёр пахтани хирмонда очик колдиришга мутлақо йўл қўймаслик лозим. Агар шундай қилинса, кечаси шабнам еган пахта эртасига яна хирмонда айланиб колади. Бинобарин, ҳар куни терилган пахтани ўша куни давлатга топшириш айни куннинг шиори бўлмоғи лозим.

Терилган пахтани коп-қанорсиз ташиш усули — ҳосилни давлатга топширишнинг маданий усули, жуда катта маблағ ва ишчи кучини тежаш усули, шу билан бирга, пахта териш ва давлатга топшириш суръатини кўп даражада тезлатадиган усулдир. Бу усулни ҳамма ерда кенг қўлланиш пайти келди. Шу билан бирга пахтани ташишда коп-қанор оборотини яхши йўлга қўймоқ зарур.

Далаларимизда мажбуриятдан ҳам ошиб кетадиган ҳосил бор. Вазифа — ана шу ҳосилни сира нобуд қилмай йиғиб-териб олишдан, ҳаммасини юқори сорт билан давлат омборига топширишдан иборатдир. Давлатга фақат биринчи сорт пахта топшириш шу куннинг жанговар вазифасидир. Пахта сортларининг аралаштириб юборилишига мутлақо йўл қўймаслик лозим. Пахта нобудгарчилигига қарши изчиллик билан, шафқатсиз курамшоқ зарур. Ишга яроқли барча кучларни далага — теримга сафарбар этиб, бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўп пахта топширайлик.

Пахта йиғим-теримини кескин даражада кучайтирайлик. Пахта тайёрлаш суръатини тобора ошириб, ҳар куни давлатга камида 2,5-3 процент пахта топширишга эришайлик.

Ҳамма куч йиғим-теримга!



СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. «Комсомол 30 йиллиги» совхозидаги Ҳасан Ортиқов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасининг пахтакорлари бу йил 110 гектар ернинг ҳар гектаридан Ватанга 40 центнердан пахта етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Ўзбекистон Компартияси XVI съездининг делегати ўртоқ Ортиқов раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари пахта тайёрлаш йиллик планини XVI съезд очиладиган кунгача бажариш учун курашиб, йиғим-теримни тез суръатлар билан олиб бормоқдалар. СУРАТДА (юқорида): Ҳасан ОРТИКОВ (чапда) совхознинг бош агрономи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. И. ЕРЕМЕЕВ билан пахта даласида.

А. КИМ фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси)

39 ТЕРИМЧИ МАВСУМ НОРМАСИНИ БАЖАРДИ

Фарғона районидаги Ленин номли колхоз аъзолари етиштирилган мўл ҳосилни тез суръатлар билан йиғиштириб олмоқдалар. Колхозчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли кунда 30 тонна ўрнига 40-45 тоннадан пахта тайёрланяпти. Сайфиддин Умаралиев, Исомиддин Жамолиддинов, Ҳатимахон Аҳмедова, Ҳуснида Жўраева, Қўчқор Худойберганов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда пахта тайёрлаш йиллик плани 35-40 процент бажарилди.

Кўпмингкилограммчилар колхозда кундан-кунга кўп пахта териб топширилишига катта ҳисса қўшмоқдалар. Илғор теримчилардан Хайрихон Қодирова, Энахон Холматжонова, Тошхон Қорасартова, Кароматхон Зайниддинова, Насибахон Умарова, Азиза Муҳсинова ўртоқлар ҳар куни хирмонга 200-270 килограммдан биринчи сорт «оқ олтин» тўкмоқдалар. Улар ҳозиргача 3500-4000 килограммдан пахта териб, мавсум нормасини тўла бажардилар. Бундай илғор теримчилар колхозда 39 кишидан ҳам кўп. Кўпмингчилар мавсумда 8-10 тоннадан пахта териш юзасидан олган мажбуриятларини КПСС XXII съезди очиладиган кунгача бажариш учун ғайратларига ғайрат қўшиб ишламоқдалар.

Ш. САЙДУМАРОВ.

Тез суръат билан

Ўзбекистон қишлоқ советидаги Ленин номли колхоз пахтакорлари етиштирилган мўл-кўл ҳосилни ҳар йилдагидан ҳам чаққон ва тез йиғиб-териб олмоқдалар. Бу ерда соатлик график жорий қилингани туфайли ҳар куни йиллик планнинг 2-2,5-3 проценти миқдорида «оқ олтин» терилиб, тайёрлаш пунктларига жўнатилмоқда.

Колхознинг кўпмингкилограммчилар ҳаракатига қўшилган Назира Жуманиёзова, Пошша Қурёзова, Онабиби Иброҳимова ва Гулчеҳра Абдужабборова сингари ўнлаб чеварлари теримда шахсан намуна кўрсатмоқдалар. Уларнинг ҳар бири КПСС XXII съезди очиладиган тарихий кун — 17 октябргача 15 тоннадан «оқ олтин» териб беришга аҳд этиб, М. Матжонов бошлиқ бригада хирмонига кунига 200-220 килограммдан пахта териб топширишга муваффақ бўлаётирлар.

Кўпмингкилограммчилар ҳаракати ва ўзаро социалистик мусобақа кенг авж олиб кетгани туфайли колхозда терим суръати кундан-кун ошиб борянти.

Р. ҲАСАНОВ,
Хоразм область, Хева райони.

ЯНГИ ҲОСИЛДАН АЪЛО СИФАТЛИ ТОЛА

САМАРҚАНД («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Область пахта тозалаш корхоналари янги ҳосил пахтасини қайта ишлашга киришди. Жомбой, Пастдарғом ва Самарқанд пахта тозалаш заводлари дастлабки икки ҳафтада янги ҳосилдан бултур шу вақтдагига қараганда анча кўп маҳсулот тайёрладилар.

Мамлакат тўқимачилик саноатига 2 минг тоннадан ортиқ тола жўнатилди. Ёг ишлаб чиқариш корхоналари эса 370 тонна янги ҳосил чигитини олдилар.

Пахта тозаловчилар москвалик-ларнинг шонли ташаббуси асосида юқори навли пахта толаси тайёрламоқдалар. Сентябрь ойининг ўтган ярмида сифат кўрсаткичлари яхши ва аъло баҳолар билан бажарилди.

КПСС XXII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVI съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган самарқандлик пахта тозаловчилар ойлик планни 25 сентябргача бажариш, ой охиригача қўшимча 200 тонна аъло сифат пахта толаси ишлаб чиқариш учун курашаётирлар.

ҲАММАСИ БИРИНЧИ СОРТГА

ПАСТДАРҒОМ. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Сталин номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хонбиби Имомова бошлиқ бригада даласига борадиган йўлда қуйидаги сўзлар ёзилган қизил алвонлар ва плакатлар тез-тез учраб туради: «Ҳамма теримга!», «Пахтани тўкма, тўкилганини териб ол!», «Нуқул биринчи сорт пахта тайёрлаймиз».

Бригада аъзолари ана шу жанговар чақириқларга яраша иш қилмоқдалар. Ҳозиргача бригадада йиллик планнинг ярмидан ошириб пахта тайёрланди ва ҳамма пахта ҳосили биринчи сортга топширилди.

Комплекс механизациялашган бригада аъзолари машина теримини бошлаб юбордилар. Улар кунда давлатга 2,5-3 процент ва ундан ҳам ошириб пахта топшираётирар.

БРИГАДА ПЛАННИ БАЖАРДИ

ЖИЗЗАХ, 19 сентябрь. (Телефон орқали олинди). КПСС XXII съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси XVI съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдирган 76-от заводининг ўртоқ Мусо Ҳасанов бошлиқ 1-бригадаси республикада иккинчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планини бажаришга муваффақ бўлди. 75 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан давлатга 18 центнердан «оқ олтин» топширилди.

Бригада далаларида ҳали ҳосил кўп. Шунинг учун ҳам илғор бригада аъзолари гектаридан тағин 12 центнердан пахта териб оламиз, дейишди.

Бошқа бригадаларда ҳам пахта тайёрлаш қизғин давом этаётир. Совхоз ҳозиргача йиллик планни 65 процент бажарди.

Б. АҲМЕДОВ,
район партия комитетининг ходими.

ҚУМРИХОН РУСТАМОВАНИНГ ЯНГИ РЕКОРДИ

Машҳур теримчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Қумрихон Рустамова пахтани икки қўллаб ва хиллаб теришда Сталин районидаги Киров номли колхозда ҳар йилдагидек бу йил ҳам бошқаларга намуна бўлмоқда. У теримнинг дастлабки кунлариданоқ 200-220 килограммдан пахта терабошлади. Кейинчалик суръатни тезлаштириб, 250-260 килограммга етказди. Кейинги кунларда 300 килограммдан пахта терабошлади. Моҳир теримчининг ҳозиргача терган пахтаси 4 тоннадан ошиб кетди.

Киров номли колхозда Қумрихоннинг шогирдлари кўп. Қумрихон Садриддинова, Қосимжон Мирзаев, Мўътабархон Йўлдошева, Маманой Мирзаева, Сотқиной Имомова ўртоқлар қумрихончасига ишлаб, кунда хирмонга 150-160 килограммдан пахта тўкмоқдалар.

Теримчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли колхоз ҳар куни йиллик планнинг 2,5-3 проценти миқдорида пахта тайёрлашга муваффақ бўлмоқда. Топширилаётган пахтанинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинаётир.

Ҳ. МАМАТАЛИЕВ.

Канча пахта топширилди?

Ўзбекистон ССР областларида пахта тайёрлашнинг, ҳосилни қоп-қанорсиз ташишнинг ва ғўза баргини тўктиришнинг бориши тўғрисида 1961 йил 19 сентябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Пахта тайёрлаш ва ғўза баргини тўктириш — планга нисбатан, ҳосилни қоп-қанорсиз ташиш — мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Пахта тайёрлаш: Бир кунда	Пахта тайёрлаш: Мавсум бошидан бери	Пахтани қоп-қанорсиз ташиш	Ғўза баргини тўктириш
Сурхондарё	1,53	24,23	13,48	31,5
Андижон	1,84	24,05	18,12	13,2
Фарғона	1,52	19,68	7,84	1,3
Хоразм	1,73	19,04	4,21	19,4
Самарқанд	1,69	18,15	8,80	41,5
Бухоро	1,70	17,18	8,09	15,7
Тошкент	1,35	15,89	9,79	42,4
Қорақалпоғистон АССР	1,33	14,75	4,34	29,2

ТАСС АХБОРОТИ

Шу йил 17 сентябрда Совет Иттифоқида кўп босқичли учирувчи ракета Тинч океаннинг марказий қисмидаги районга иккинчи марта муваффақиятли суратда учирилди.

Ракета олдиндан белгилаб қўйилган программага мувофиқ учиб борди ва унинг ҳамма системалари худди шу программада кўрсатилгандек ишлади.

Юксак даражада аниқ ишлайдиган бошқариш системаси ракета охирги босқичи макетининг шу йил 13 сентябрда учирилган дастлабки ракета тушган нуқтага бевосита яқин жойга бориб тушишини таъминлади.

12 минг километрдан узоқроқ масофага учирилган учирувчи ракетани бошқариш системасининг гоят аниқ ишлашига эришилганлиги — совет ракетасозлигининг янги жуда катта муваффақиятидир.

Белгиланган планга мувофиқ, илгари эълон қилинган районга учирувчи ракеталарни учириш давом эттирилади.

Афғонистон бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Муҳаммад Наим Москвага келди

Совет Иттифоқи билан Афғонистон ҳукуматлари ўртасидаги келишувга мувофиқ, Афғонистон бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Сардор Муҳаммад Наим жаноб олийлари 16 сентябрда Москвага келди.

Муҳаммад Наимга Афғонистон планлаш министрининг ўринбосари Абдулхай Азиз, Ташқи ишлар министрлиги умумсиёсий маҳкамасининг бошлиғи Нураҳмад Эътимодий ва Наим жанобларининг секретари Муҳаммадшоҳ Сулаймон, ҳамроҳлик қилмоқдалар. (ТАСС).

Н. С. ХРУШЧЕВ Афғонистон бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Муҳаммад Наимни қабул қилди

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев шу йил 18 сентябрда Афғонистон бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри сардор Муҳаммад Наим жаноб олийларини қабул қилди ва у билан суҳбатлашди. Суҳбат вақтида ҳар иккала томонни қизиқтираётган халқаро аҳвол масалалари ва Совет-Афғонистон муносабатлари юзасидан самарали фикр олишилди.

Суҳбатда совет томонидан СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов ва СССР Ташқи ишлар министрлиги Ўрта Шарқ мамлакатлари бўлимининг мудири А. П. Павлов, Афғонистон томонидан Афғонистон ташқи ишлар министрлиги умумий сиёсий департаментининг бошлиғи Нур Аҳмад Эътимодий ва Афғонистоннинг СССРдаги элчиси Абдул Х. Шахалами ҳозир бўлдилар.

Суҳбат дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

Қардош Чехословакиядан

МОСКВА, 18 сентябрь. (ТАСС). СССР Олий Советининг делегацияси бугун Прагадан Москвага қайтиб келди. СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ташқи ишлар комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат В. В. Гришин бошчилигидаги бу делегация Чехословакия Социалистик Республикаси Миллат мажлисининг таклифига мувофиқ Чехословакияга борган эди.

XXII СЪЕЗДОЛИН минбари

КПСС ПРОГРАММАСИ ВА УСТАВИ ПРОЕКТЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ



Миниглаб ёш ватанпарварлар меҳнат қилаётган Навоий ГРЭСи — комсомол зарбдор қурилиши деб аталади. Бу ерда асосий қурилиш ишлари тугалланиб, қувурларни монтажлаш ишлари бошлаб юборилди. Табиий газ билан ишлайдиган бу корхонанинг биринчи агрегати партия XXII съезди очилиш кунигача ишга тушириларди — нурхона қурувчиларининг аҳди ана шундай. СУРАТДА: электр пайвандловчи Геннадий КОШЕЛЬКОВ. У смена топшириқларини 1,5-2 ҳисса орттириб бажармоқда.

А. Горюнин фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАСИ САҲИФАСИДА

«БУХОРО ҲАҚИҚАТИ» газетасида Ромитан район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири А. Сулаймоновнинг **«Ғалабаларга руҳлантирувчи ҳужжатлар»** сарлавҳали мақоласи босилди. Автор бу мақолада КПСС Программаси ва Устави проектлари жойларда қизғин муҳокама қилинаётганини таъкидлаш билан, айрим коммунистларнинг таклиф ва мулоҳазаларини мисолга келтиради.

Газли газ кони партия бюросининг секретари У. Зарипов КПСС Устави проекти муҳокамаси вақтида қуйидаги таклифни киритган:

«КПСС аъзолигига кандидат бўлган айрим кишилар баъзан бир йил ичида икки жойда ишлайди. Янги корхона ёки муассаса партия ташкилоти ҳам уни бир йил синаб кўриши, сўнгра партия аъзолигига қабул қилиши керак. Бу ҳол газ кони ва газ қувури қурилишларида кўп учрайди. Шунинг учун кандидатлик муддати тўлмай туриб янги корхона ёки муассасага келганларнинг кандидатлик муҳлати яна бир йилга узайтириладиган бўлса яхши бўлур эди».

Лаглақа қишлоқ Советининг раиси И. Қаноатова КПСС Программаси проектига **«Хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлиш ҳоллари батамом тугатилади, шундай муносабатда бўладиган шахслар жазоланади»** деган жумла ёзилсин, деб таклиф қилади.

Райондаги чорва молларни бўрдоқига боқиш базасининг директори Ўртоқ Гайказян Программа проектига **«Оила аъзоларини коммунистик руҳда тарбиялаш ҳар бир коммунистнинг шарафли бурчидир»** деган жумлани қўшимча қилишни таклиф этади.

ПУХТА ЎРГАНИЛМОҚДА

ЯПАН. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Шўрсув кони Ўзбекистон районида съезд олди социалистик мусобақасининг ташаббускори бўлди. Конниинг ҳар бир бригадасида замонамиз қомуси — КПСС Программаси проекти пухта ўрганилмоқда. Қизғин муҳокама ва мунозаралар умумий ишга, ишчиларнинг меҳнат активлигини оширишга ёрдам берди. Кундалик топшириқлар орттириб бажариладиган бўлиб колди. Меҳнат унумдорлиги кўтарилди.

В. Бойматов, К. Тўхташев ўртоқлар бошлиқ бригадалар социалистик мусобақада олдинга сафларда бориб, саккиз ойлик топшириқни муддатидан илгари бажардилар. Пландан ташқари 250 тоннадан рудд казиб чикардилар. Бундай бригадалар конда анчагина бор.

Пропагандистлар семинари

Самарқанд область партия комитети Каттақўрғонда Иштихон, Хатирчи, Нормой, Пахтакор, Нурота ва Каттақўрғон районлари пропагандистларининг семинарини ўтказди.

Семинарда тарих фанлари кандидатлари Ғ. Абдусатторов, М. Эгамбердиев ўртоқлар «Коммунизм қурилиши даврида Коммунистик партиянинг вазифалари», «Капитализмдан коммунизмга ўтиш — инсоният жамиятининг тараққиёт йўли» деган темаларда лекция ўқидилар.

Шунингдек, семинарда яна бир қанча темаларда лекция ва докладлар тингланди.

Р. САТТОРОВ.

ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР ЮКСАКЛИГИДА БЎЛСИН

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси проектида мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишнинг буюк режалари тузиб берилган, марксизм-ленинизм фанининг жуда муҳим масалалари ижодий тарзда ишлаб чиқилган, коммунистик жамият қуриш иқтисодий жиҳатдан тўла асосланган.

Партия ва совет халқининг асосий иқтисодий вазифаси икки ўн йиллик мобайнида коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтиришдан иборат.

Бу оламшумул-тарихий вазифани бажариш учун бундан буён ҳам оғир индустрия устун тарзда ривожлантирилаверади. Оғир индустрия ишлаб чиқариш кучларини ўстиришнинг ва халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат унумдорлигини оширишнинг гаровидир. Шу вазифалар нуқтаи назардан қараганимизда, қурилиш индустриясини ҳам тобора ривожлантириб боришимиз керак.

Республикамизда йилига 500 минг кубометр темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарадиган завод ва майдончалар қурилди. Йилига 2 миллион кубометр инерт материаллари ишлаб чиқарадиган механизациялаштирилган карьерлар, шунингдек йилига 160 минг квадратметр дераза ва эшик блоклари ишлаб чиқарадиган корхоналар ишлаб турибди.

Республикамизда қурилиш индустриясининг моддий-ишлаб чиқариш базасини вужудга келтиришга 1960 йилда Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги йўли билан 309 миллион сўм капитал маблағ сарфланди ва темир-бетон конструкциялари, говак бетон, керамзит, инерт материаллар ишлаб чиқарадиган бир қатор йирик корхоналар қуриб битказилди ва ишга туширилди. Натижада йирик темир-бетон ишлаб чиқариш 1960 йилда 1954 йилдагига нисбатан 73 марта ўсди.

Республикамиз халқ хўжалигини ривожлантириш планига мувофиқ қурилиш индустрияси 1961 йилда янада равнақ топяпти. Бу йил Фарғона, Тошкент, Андижон, Хоразм областларида умумий қуввати 372,5 минг кубометрга тенг бўлган йигма темир-бетон конструкцияларини ишлаб чиқарадиган завод ва полигонлар ишга туширилди. Шу йилнинг ўзидаёқ йилига 1200 минг кубометр инерт материаллари ишлаб чиқарадиган корхоналар ишга туширилади.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига бу йил 739,5 минг квадратметр дераза ва эшик блоклари етказиб берилиши керак. Аммо шунга қарамасдан республика Госплани ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш саноати қувватларини янада ўстириш учун зарур маблағ ажратмади. «Главстройиндустрия» ва бошқа бир қатор қурилиш трестлари ишлаб чиқараётган дурадгорлик буюмлари республика қурилиш ташкилотларининг эҳтиёжини қоплай олмаяпти. Натижада республикамиз қурилишларини дурадгорлик буюмлари билан таъминлашда қониқарсиз аҳвол вужудга келди.

Фикримизча, капитал қурилишнинг жуда кенг кўламда олиб борилаётганини назарда тутиб, қурилиш индустрияси моддий-техника базаси қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг ўсишидан илгарилаб бориши керак. Аммо шунга қарамасдан, республикамиз қурилиш индустриясининг моддий-ишлаб чиқариш базасини 1962 йилда ривожлантириш плани проектига мувофиқ, уни 1961 йилдагига нисбатан 5.5 процент ўстириш мўлжалланмоқда. 1962 йилда республикамиз қурилишларига сарфланадиган капитал маблағ эса 1961 йилдагига нисбатан 13.3 процент ўсиши лозимлигини эсласак, республикамиз қурилиш индустриясининг **моддий-ишлаб чиқариш базасини янада ривожлантириш** плани қурилиш монтаж ишларининг умумий ўсиши ҳажмидан **орқада қолаётгани** равшан бўлади. Бу эса **қурилишни материаллар билан бетўхтов таъминлаб туриш учун мустаҳкам замин яратмайди.**

Республикамиз қурилиш индустриясининг моддий ишлаб чиқариш базасини янада ривожлантириш борасида бир қатор камчиликлар содир бўлди. Қурилиш индустрияси корхоналарини нотўғри жойлаштириш натижасида қурилиш материалларини узоқ районларга кўп маблағ сарфлаб ташиб бориш ҳоллари рўй берди. Бу эса ўз навбатида баъзи районларнинг, шу жумладан Бухоро ва Сурхондарё областлари экономикасини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатди.

Янги эффектив қурилиш материаллари ва буюмлари корхоналари жуда суст лик билан ва етарли қурилмаётган бир вақтда, ғишт заводларини реконструкция қилишга катта маблағлар сарфланди. Девор материалларини ишлаб чиқаришда ғиштнинг салмоғи 1960 йилгача 90 процентни ташкил этар эди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети бу камчиликларни бартараф қилиш чораларини кўрганларидан кейин иқтисодий-маъмурий районлар ва областлар бўйича саноат қурилишини жойлаштириш яхшиланди, қурилиш индустриясининг моддий-ишлаб чиқариш базасини жойларда комплекс равишда ривожлантириш тадбирлари белгиланди. Бу йил Самарқанд, Наманган, Бухоро, Қарши, Термиз, Нукус, Чирчиқ, Олмалиқ ва республиканинг бошқа бир қатор шаҳарларида қурилиш индустриясининг ишлаб чиқариш базалари фойдаланишга топширилади. Эски цемент заводларини реконструкция қилиш ва янги цемент корхоналарини қуриш йўли билан қурилиш нони бўлган цемент ишлаб чиқариш 1965 йилга келиб 2.2 миллион тоннани ташкил этади. Бу 1958 йилдагига нисбатан деярли тўрт баравар кўпдир.

Яқин 2-3 йил ичида Оҳангарон, Чирчиқ, Юмалоқ, Фарғона, Қўқон, Андижон, Наманган, Самарқанд, Китоб, Урганч, Бухоро шаҳарларида йирик йигма темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқарадиган заводлар қурилиб ишга туширилади. Тошкент областида стандарт бўлмаган буюмлар, санитария-техника ускуналари ва электр монтаж буюмлари ишлаб чиқарадиган заводлар, Фарғона, Тошкент, Зирабулоқда ремонт механика корхоналари, Самарқанд, Фарғона, Тошкент ва Олмалиқда ёғочни қайта ишлаш корхоналари ишга тушади. Шундай қилиб республикамизнинг қурилиш индустрияси ўлкамизда коммунизмнинг асосий моддий-техника базасини вужудга келтиришга, яъни саноат, маданий-маиший ва уй-жой фондини барпо этишга ёрдам беради.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқимизнинг фаровонлиги ҳақида доимо ғамхўрлик қилмоқдалар. Аҳолининг уй-жой ва маданий-маиший муассасаларга бўлган эҳтиёжи тобора яхшироқ қондирилмоқда.

КПСС совет халқи фаровонлигини оширишнинг энг кескин проблемаси—уй-жой проблемасини ҳал этиш вазифасини ўртага қўяди. Иккинчи ўн йилликнинг охирига келиб ҳар бир оила, шу жумладан янги турмуш қурганлар оиласи барча қулайликлари бўлган ҳамда турмуш гигиенаси ва маданияти талабларига мувофиқ келадиган квартирага эга бўлади. Деҳқонларнинг эски типдаги уйлари асосан янги замонавий уйлар билан алмаштирилади ёки — мумкин бўлган жойларда—зарур қулайликлар яратилиб, реконструкция қилинади. Иккинчи ўн йиллик мобайнида уй-жойдан фойдаланиш барча граждалар учун аста-секин бепул бўлиб қолади.

Бу улуғвор программани муваффақият билан амалга ошириш учун саноат ва граждан қурилиши соҳасида Совет Иттифоқида ва чет элларда тўпланган илғор тажрибани моҳирлик билан қўлланиш, қурилиш таннархини иқтисодий жиҳатдан тежамли типовой лойиҳалар ва йигма конструкциялар ишлатиш йўли билан мутасил равишда арзонлаштириб бориш, уй-жой биноларини кенг майдонларда мақсадга мувофиқ равишда жойлаштириш, шаҳар қурилиши ва планлаштиришнинг энг прогрессив усулларини татбиқ этиш лозим бўлади.

Ўзбекистон аҳолиси 1960 йилда Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги йўли билан 346 минг квадратметрдан кўпроқ уй-жой биноларн олди. Бу йил эса 441 минг квадратметр уй-жой биноларн қурилади. **Бу 1960 йилдагига нисбатан 13 процент ортиқдир.**

Уй-жой биноларн қурилишини индустрлаштиришда йирик панеллар ва заводда тайёрланган деталларни қўллаш муҳим роль ўйнамоқда. Бу соҳада бирмунча ишлар қилинди. Тошкентда йилига 100 минг квадратметр уй-жой биноларн учун панеллар ишлаб чиқарадиган уй қуриш комбинати ишга туширилди. Комбинат қуввати яқин икки йил ичида уч мартa ўсади.

Етти йиллик давомида республикада 16 та уй қуриш комбинати барпо этилади. Бу комбинатлар йилига 600 минг квадратметр уй майдонини эксплуатацияга топшириш имкон беради. Йирик панеллардан уй-жой қурилишинг янада равнақ топиши натижасида республикамиз аҳолиси етти йилликнинг охирига келиб темир-бетон конструкцияларидан ишланган 900 минг квадратметр уй-жой биноларн олади.

Ҳозирги замон шаҳар қурилиши тажрибалари шуни кўрсатадики, уй-жой биноларини катта-катта майдонларда, йирик-йирик массивлар сифатида қуриш аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш билан бир қаторда уй-жой қурилиши таннархини кичикроқ майдонларда қурилаётган бинолариинг таннархидан 6-8 процент арзон тушишини таъминлайди. Ўзбекистон ССР нинг йирик шаҳарларида уй-жой бинолари йирик массивлар сифатида қурила бошланди.

Лекин республикамиз шаҳарларида уй-жой ва маданий-маиший муассасаларни жойлаштириш соҳасида тузилган планларда бирмунча камчиликлар мавжуд. **Кўпгина лойиҳалар техника-иқтисодий жиҳатдан етарли даражада асосланмасдан, мамлакатимизда шаҳар қурилишининг энг яхши традицияларини ижодий тарзда ўрганмасдан иқлим шароитининг афзалликларидан фойдаланиш кўзда тутилмасдан тузилган.** Бу хусусан планлаштириш ва бутун-бутун район ва кварталларни қуришда яққол сезилиб туради. Мисол учун Чилонзор массивини кўрсатиб ўтайлик. Уни Тошкент Черёмушкаси деб атаймиз-у, у Москва Черёмушкасига мақтаса арзигулик даражада ўхшамайди. **Архитектура—планлаштириш масалаларининг ҳал этилиши, аҳолига энг яхши маданий-маиший шароитлар яратиш жиҳатидан Чилонзорда катта камчиликлар бор.** Чилонзор массивида планлаштириш штампи ҳукмрон. Қатор кетган уйларнинг бурчакларидаги бинолар архитектурасининг мураккаблиги квартираларни қоронғилатиб қўйган ва қурилишни қимматлаштирган. Йирик панеллардан уй-жой бинолари «озод қурилиш» усули бўйича лойиҳалаштирилган бўлиб, уй-жой бинолари узунасига ҳам, кўндалангига ҳам, қийшиқ-қийғир ҳам—ҳуллас турли-туман формада қурилаверади. Бу, биринчи навбатда, уй-жой бинолари қуришда талай қийинчиликларнинг юзага келишига сабаб бўлса, иккинчи томондан қурилиш таннархини ошириб юборади. Район маданий-маиший муассасалар қурилиши мўлжалланмасдан барпо этилгани сабабли аҳолига юксак маиший хизмат кўрсатишни ташкил этиш қийинлашиб бормоқда.

СССР Олий Советининг 1957 йил 10 майда «Саноат ва қурилишни бошқаришни янада такомиллаштириш ҳақида» деб чиқарган Қонуни қурилиш индустриясини ривожлантиришда юксак босқич бўлди. Қурилишга раҳбарликни тубдан қайта қуриш ва йирик қурилиш ташкилотларини барпо этиш ишимизда катта камчиликларни тугатишга ёрдам берди. Қичик-қичик ва параллель равишда ишлаётган қурилиш ташкилотлари тугатилди, материал ва пул ресурсларидан яхшироқ фойдаланиш имконияти туғилди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги, «Узглавсельстрой» ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг «Главголодностепстрой», Ўзбекистон ССР Сув хўжалик министрлиги қурилиш бўйича асосий пудратчи ташкилотлардир. Бу ташкилот ва ведомстволар жойларда ўз моддий-ишлаб чиқариш базаларига эгадир. Бу шуни яққол кўрсатиб турибдики, республикамизда ҳали ҳам параллель равишда ишлаётган майда ташкилотлар тузиш тажрибасига чек қўйилмаган, қурилиш индустриясининг моддий-ишлаб чиқариш базаси корхоналарини министрликлар ўртасида сочиб юбориш ҳоллари рўй бермоқда.

Сўнгги йилларда шаҳар қурилиши соҳасида жуда катта муваффақиятларни қўлга киритдик. Шаҳар қурилишида рўй берган ва кейинчалик тугатилган баъзи камчиликлар энди қишлоқ қурилишида рўй бераётганга ўхшайди. **Қишлоқ районларида колхозлараро қурилиш ташкилотларига қарашли кичик-кичик карьерлар, полигонлар, устахоналар барпо этилмоқда.** Қурилишни моддий жиҳатдан таъминлаб боришни янада яхшилаш қурилиш индустриясининг корхоналари ишидаги камчиликларни тез орада тугатишни тақозо қилади. **Биз майда-чуйда қурилиш корхоналарини тугатиш пайти келган деб ҳисоблаймиз. Қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқаришни район аҳамиятига эга бўлган заводларга топшириш мақсадга мувофиқ бўлади.** Ҳозир йирик шаҳарларда ва область марказларида қурилиш индустриясининг моддий базаси—йирик корхоналар вужудга келтирилмоқда. **Шу сабабли майда-чуйда корхоналарни қуриш иқтисодий жиҳатдан фойдали эмас.**

Биз қишлоқ қурилишини «Узглавсельстрой» бошқармаси эмас, балки ўзининг мустаҳкам ва йирик моддий-ишлаб чиқариш базасига ва малакали мутахассисларга эга бўлган Қурилиш министрлиги амалга ошириши керак деб ҳисоблаймиз. Фикримизча, бу тадбир қишлоқ қурилишини саноат-граждан қурилиши даражасига кўтаради ва КПСС Программаси проектида қўйилган **«Колхоз қишлоқларини аста-секин обод уй-жойлари, коммунал хизматлари, маиший корхоналари, маданий ва медицина муассасалари бўлган шаҳар типидаги йирик аҳоли пунктларига айлантириш»** ҳақидаги юксак вазифаларнинг муваффақият билан бажарилишига хизмат қилади.

Х. РУСТАМОВ,
Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг старший инженери, «Қизил Ўзбекистон» газетаси штатсиз қурилиш бўлимининг ходими.

Коммунист деган юксак номни покиза тутайлик

Замонамизнинг буюк ҳужжатлари — КПСС Программаси ва Устави проектлари бутун совет кишиларининг меҳнат ғайратини янада ошириб юборди, уларни етти йиллик план топшириқларини муддатидан олдин бажаришга сафарбар этди. Бу мусобақага қўшилган шаҳримиз саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ҳам меҳнатда янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Шаҳар саноати маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган ойлик планини анча ошириб бажарди. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 19 процент кўп пахта толаси, 2.6 марта зиёд қурилиш материаллари, 30 процент кўп кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Ҳозир шаҳримизда 6 корхона, 6 смена, 25 цех, 127 бригада ва юзларча ишчилар коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари номини олиш учун курашмоқда.

Мана улардан бири. КПСС аъзоси Тошой Тўрақулова тикувчилик фабрикасида биринчи бўлиб қўқонлик дугонаси Татьяна Кардашнинг ватанпарварлик ташаббусига қўшилди. У бошлиқ бригада аъзолари илғор тажрибани қўлланиб машиналардан унумли фойдаланган ҳолда етти соатлик нормани олти соатда бажариб, аъло сифатли маҳсулот бермоқда. Бу бригаданинг ҳамма аъзоси кечки мактабларда, сиртқи олий ўқув юртларида ўқияпти. Меҳнат билан ўқишнинг қўшиб олиб борилиши ишлаб чиқариш топшириқларини муддатидан олдин бажаришга имкон берди. Бригада аъзолари етти ойлик топшириқни муддатидан анча илгари бажарди.

Машинист Владимир Курский бошчилик қилаётган қурилиш-монтаж бошқармасининг экскаваторчилар бригадаси аъзолари ҳам биринчиликни қўлдан бермаяпти. Бригаданинг аҳил коллективи етти ойлик планни бир ярим ҳисса бажариб, кўп миқдорда ёқилғи, мой ва бошқа материалларни тежашга эришди.

Коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашаётган локомотив депосининг тепловоз колоннаси аъзолари машиналарнинг техник тезлигини ошириб, оғир юкли поездлар сонини кўпайтирдилар, натижада пландан ташқари ўн мингларча тонна юк ташилди.

Ҳақиқий совет кишисига хос намуна кўрсатиб ишлаётган кишиларни яна кўплаб келтириш мумкин. Шаҳар партия ташкилоти бундай илғор кишилар — замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамонларини қўллаб-қувватлаб, уларнинг тажрибасини барча меҳнаткашларга ёйиш тадбирларини кўряпти. Уларнинг илғор иш тажрибалари ҳақида шаҳар газеталарида мақола ва лавҳалар босилади, агитаторлар ўз суҳбатларида сўзлаб берадилар. Бу илғорлардан кўпчилигининг номи шаҳар Ҳурмат тахтасига ёзилган.

Аммо шу билан бирга шаҳар коммунистларининг сафида айрим шахслар борки, улар коммунист деган юксак номга нолойиқ ишлар билан шуғулланганлар. Шаҳар партия комитети бундай кишиларга нисбатан қаттиқ қўриш олиб бориб, коммунистларни ва барча меҳнаткашларни топширилган иш учун юксак жавобгарлик сезиш руҳида, камчиликларга муросасизлик руҳида тарбиялямоқда. Сўнгги пайтда кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш ва давлатни алдаш сингари ярамас фактлар фош қилинди ва унинг айбдорлари тегишли жазосини олди.

Масалан, йўл қурилиши бўлимининг собиқ директори Раҳмонбердиев бирор масалани ҳал қилганда коллектив билан маслаҳатлашмади. Ишлаб чиқариш масалаларн, мусобақани ташкил қилиш билан шуғулланмади. Жамоат ишларига қизиқмади. Натижада у коллективдан ажралиб қолди. У ўз нўноқлигини яшириш мақсадида давлатни алдашдан иборат жиноий йўлга кириб, қилинмаган ишларни қилинди деган ёлғон сводкалар берди. Раҳмонбердиев шахсий бойлик орттириш йўлига тушиб, қисқа вақт ичида ўзига данғиллама уй ва енгил машина сотиб олди. Шаҳар партия комитети уни тўғри йўлга қайтариш учун кўп ҳаракат қилди. Аммо, бойликка бўлган хирс унинг учун одамгарчиликдан устун келди. Шаҳар партия комитетининг бюросида Раҳмонбердиевнинг шахсий иши кўрилган вақтда у ўзининг бутун афт-ангорини фош қилди. Шундан кейин у ишдан олиниб, партиядан ўчирилди ва иши тергов органларига топширилди.

Шунингдек, кўзбўямачилик қилганликлари ва жиноятчиларни паноҳига олганликлари учун шаҳар милиция бошқармасининг бошлиғи Ҳикматов ва унинг ўринбосари Жўлдосовлар ишдан олиниб, қаттиқ партиявий жазо олдилар. Ҳикматов эса умуман милиция органларида ишлашдан четлатилди.

Шу кунларда коммунистлар ва партиясизлар, шаҳримизнинг барча меҳнаткашлари КПСС Программаси ва Устави проектларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Корхоналарда ва аҳоли яшайдиган жойларда бу буюк ҳужжатлар тўғрисида лекция ва докладлар ўқилмоқда.

Шуниси қувончлики, ҳамма ерда коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексига катта аътибор берилмоқда. Коммунистик ахлоқ бутун инсониятнинг юксак идеалларини ўзида мужассамлантирган бирдан-бир ҳаққоний ва юксак ахлоқ эканлиги таъкидланяпти.

Бу ўринда шаҳардаги Тельман номли маҳалла агитпунктига уюштирган агитаторларнинг замонамиз буюк ҳужжатларини ҳар бир меҳнаткаш онгига сингдириш соҳасида олиб бораётган иши диққатга сазовордир. Кейинги бир неча кун ичида маҳалла аҳолиси ўртасида «СССР халқларининг бузилмас дўстлиги», «Ишламаганташламайди», «Мактабда ва оилада болаларни коммунистик руҳда тарбиялаш», «Совет ҳокимияти СССР халқларига нима берди?», «Хотин-қизлар коммунизмнинг актив қурувчилари» деган темаларда лекция ва докладлар уюштирилди. Буларда коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси ҳар томонлама тушунтириб берилди. Доклад ва лекцияларда маҳаллий ҳаётдан олинган фактлар келтирилди.

Шаҳар партия комитети бу илғор маҳалланинг ташаббусини маъқуллади ва уни бошқа маҳалларнинг агитпунктларига ҳам ёйишни тавсия этди. Ҳозир маҳаллаларда коммунистик ахлоқ масалалари юзасидан кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Кишилар билан ишлашда ҳали бизда талай камчиликлар мавжуд. Хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлиш, ароқхўрлик қилиш, партия ва давлат интизомини бузиш фактлари учраб туради. Биз совет кишисига хос бўлмаган бундай иллатларни мумкин қадар қисқа вақт ичида тугатиш чораларини кўрамиз.

Ҳеч шубҳа йўққи, шаҳримиз коммунистлари ўз қаторларининг софлиги учун бундан буён ҳам тинмай кураш олиб борадилар. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси деган юксак номни доимо покиза тутадилар.

И. ЖАЛИЛОВ,
Сурхондарё область, Қарши шаҳар партия комитетининг секретари.

ТАКЛИФЛАР

ТЕРМИЗ, 19 сентябрь. (ЎзТАГ). 1927 йилдан КПСС аъзоси, пенсионер Д. Погодинский область «Ленинское знамя» газетасининг навбатдаги сонида бундай ёзади:

«Менинг фикримча, коммунистларнинг Устав талабларига риоя қилишдаги масъулиятини ошириш зарур. Бу талабларни бузган киши партия сафларида турмаслиги керак».

Денов районидаги Хрущчев номли колхознинг бригада бошлиғи коммунист Х. Ҳайдарова бошлангич ва цех партия ташкилотларининг секретарлари учун мажбурий партия стажини уч йилгача оширишни таклиф қилади.

«Партия йиғилиши — коммунистларни тарбиялаш мактабидир. Бироқ айрим партия ташкилотларида йиғилишлар бир неча ойлаб ўтказилмайди», — деб ёзади КПСС аъзолигига кандидат Х. Саодатов Шеробод районидаги Ленин номли колхозидан. У, йиғилишлар ўз вақтида ўтказилмаганлиги учун масъулиятга тортишни кўзда тутувчи махсус моддани партия Уставига киритишни таклиф қилади.

Шахрисабз районидаги Ленин номли колхознинг раиси Ғ. Бобоёров Уставни бундай модда билан тўлдиришни тавсия этади: «Раҳбарлик ишида ишончни оқламаган КПСС аъзоси қуйи ишда ўзини кўрсатмагунга қадар бундай вазифага ишга юборилиши мумкин эмас».

«Термезнефть» бошқармасининг ходими, КПСС аъзоси В. Дорохин партия бюроси Устав проектида ёзилганидек, умумий йиғилиш олдида йилига бир марта эмас, балки ҳар кварталда камида бир марта ҳисоб бериб туриши керак, деб ҳисоблайди.

ЙИҒИМ-ТЕРИМДА ПРОГРЕССИВ УСУЛЛАРНИ ТЎЛА ҚЎЛЛАЙЛИК

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Пахтани қоп-қанорсиз ташишга кенг йўл

Коммунизм моддий-техника базасини вужудга келтиришнинг партиямиз янги Программаси проектида чизиб берилган улуғвор перспективаси халқ хўжалигининг барча тармокларида техника тараққиётини ҳар томонлама жадаллаштиришни кўзда тутади.

Пахтачиликда ҳам техника тараққиёти коммунистик эртага қилинадиган парвознинг қудратли қанотидир.

Республикамиз пахтакорлари, механизаторлари Никита Сергеевич Хрушчевнинг берган доно маслаҳатларига амал қилаб, эндиликда ғўзани асосан машинада парвариш қилмоқдалар, пахта йиғим-теримини механизациялаштиришда қўлга киритилган муваффақиятлар кўнгилдагидек.

Пахтани қоп-қанорсиз ташиш билан бирга пахта йиғим-теримининг поток усули терим ишларини комплекс механизациялашни ривожлантиришда қўйилган янги муҳим қадамдир. Бунинг моҳияти шундан иборатки, йиғим-терим ишларида ва терилган пахтани тайёрлашда қўл кучи ишлатилмайди. Шундай илғор усулда пахта терилганида ҳосил чаноқдан тўғри шпинделга, кейин эса пахта териш машинасининг бункерига ўтади; бункердан махсус аравачага солинади; бу аравача — прицепдан тайёрлов пунктининг қабул қилиб узатадиган асбобига тўғри келади, у ердан эса транспортёр ёрдамида гарам қилинади. Бултурги тажриба ҳосилни йиғиб-териб олишнинг шундай прогрессив усули ҳар бир гектардан пахтани йиғиштириб олишда янги пулда 7-8 сўм маблағни ва икки киши кунини қўшимча тежаб қолиш мумкинлигини кўрсатди. Шундай қилинганида пахтакорнинг меҳнати саноат меҳнатининг бир тури бўлиб қолади, чинакам коммунистик меҳнатга айланади.

Пахтани қоп-қанорсиз ташишнинг муҳим афзаллиги шундаки, шу усул билан ташилган пахтадаги хас-чўпларни қуритиш-тозалаш цехлари ва пахта тозалаш заводларидаги ускуналар ёрдами билан яхширок тозалаш мумкин. пахта толасига канор, ип ва шунга ўхшаш лахтак-лухтак нарсаларнинг илашиб қолиши йўқолади. Бу тадбирларнинг ҳаммаси эса пахта толаси сифатини анча оширади.

Ўзбекистон механизаторларининг III съезди қатнашчилари шунинг учун ҳам ҳамма жойда пахтани машинада териб олишнинг поток усулини қўлланишга, машинада терилган пахтанинг ҳаммасини бултур «Малик» совхози, Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхози ва бошқа илғор хўжаликлар сингари қоп-қанорсиз ташишга қатъиқ аҳд қилиб, барча пахтакорларни, механизаторларни, қишлоқ хўжалик мутахассисларини ҳам шунга чақирдилар.

Пахта тайёрлаш пунктларига фақат машинада терилган пахтанигина қоп-қанорсиз ташиб келтириш катта иқтисодий самара бериб қолмай, балки қўлда терилган пахтани қоп-қанорсиз ташиш ҳам катта иқтисодий фойда етказади. Қўлда терилган пахтанинг ҳар тоннасини қоп-қанорсиз ташиш орқали қанорларнинг нархи ҳисобига 4-5 сўм тежаб колинади, агар ўша пахтани юклаш ҳам механизациялаштирилса, тахминан 1,5 киши куни тежалади. Қўлда терилган пахта қоп-қанорсиз ташилганида машинада терилган пахта қоп-қанорсиз ташилганидаги сингари толанинг сифати анча яхши бўлади. Республика пахтакорлари буни ҳисобга олиб бу йил қўлда терилган пахтадан ҳам камида 500 минг тоннасини (ўша бир миллион тонна ҳисобидан) тайёрлов пунктларига қоп-қанорсиз ташишга карор бердилар.

Кўпгина колхозлар, совхозлар, районлар пахтани қоп-қанорсиз ташиш юзасидан олган мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар. Масалан, Андижон области хозиргача 40 минг тоннадан ортиқрок пахтани қоп-қанорсиз ташишга муваффақ бўлмоқдалар. Учқўрғон районидаги Ленин номли совхоз. «Совет» совхози ва бошқа кўпгина колхоз ва совхозлар терилаётган пахтанинг деярли ҳаммасини қоп-қанорсиз ташимоқдалар.

Лекин бу прогрессив усул ҳамма жойда ҳам кенг қўлланилмаётир. Фарғона ва Бухоро областларида, хусусан Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССР да пахтани қоп-қанорсиз ташиш юзасидан олинган мажбурият қониқарсиз бажарилмоқда. Бундай аҳволга тоқат қилиш мумкин эмас. Олинган мажбуриятлар сўзсиз бажарилмоғи керак. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари пахтани кўпрок қоп-қанорсиз ташиш имкониятларидан тўла фойдаланиш тадбирларини кўришлари лозим.

Хўжаликларда бор бўлган «ПТСЗ-766М» прицепларидангина пахтани қоп-қанорсиз ташишда фойдаланиб қолмай, балки автомобилларнинг анча қисмини «Узсельхозтехника» район бўлимларида мавжуд махсус комплектлар ёрдами билан қайта жиҳозлаб фойдаланиш зарур. Автомобилларни пахтани қоп-қанорсиз ташишга мослаштириш яна шунинг учун зарурки, якин кунларда ҳосилни машинада териб олиш авж олдирб юборилади ва махсус прицепларнинг ҳаммаси машинада терилган пахтани қоп-қанорсиз ташиш билан банд бўлади.

Пахтани қоп-қанорсиз ташишнинг барча афзалликларидан тўла фойдаланиш учун пахтани аравача ва автомобилларга ортишда механизациядан фойдаланиш керак. Конструкторлар шу мақсадда «ВТХ-8.3», «ПУ-0.5» ва шунга ўхшаш пахта юкладиган механизмлар яратишди. Лекин бундай механизмлар ҳали кам. Шунинг учун рационализаторлар хўжаликларнинг ўзида бор бўлган узел ва агрегатлардан фойдаланиб, пахта ортадиган восталарни тайёрламоқдалар.

Бир қатор колхоз ва совхозларда суратда кўрсатилган пневматик юкловчидан фойдаланилмоқда. «Универсал» тракторининг ўнг тарафида махсус кронштейнга пахтани қабул қилиб оладиган ва чиқариб ташлайдиган трубопровод билан вентилятор ўрнатилади, бу ишдан чиққан, эски «СХМ-48» пахта териш машиналаридан олинади. Вентилятор валлнинг қўшилиш муфтасидан текстроп передачи тасмаси орқали ҳаракатга келади.

Пахтани юклаш учун кўрак узадиган машинадан ҳам фойдаланилаяпти. Бунинг учун машинанинг бункери ва иш аппаратлари олиб қўйиб, унинг ўрнига махсус тайёрланган қабул қилиб оладиган нов ўрнатилади, охиррогида эса пахтани чиқариб ташлайдиган труба ўрнатилади, шунингдек, схемада кўрсатилганидек махсус тайёрланган йўналтирувчи — сепараторлар тайёрланади.



«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг рационализаторлари пахтани аравачага ва автомобилга юклаш учун чопиқ тракторларига осилган лентали транспортёрдан фойдаланмоқдалар.

Бу ажойиб ташаббуснинг барча колхоз ва совхозларимизда қўлланилиши қўшимча 750 минг киши кунини тежаш имконини беради.

Шуни ҳам айтиш керакки, пахтани қоп-қанорсиз ташиш усулининг кенг қўлланилиши ҳосилни қоп-қанорсиз қабул қилиб олишга барча механизмларни ҳали ҳам тўла тайёрлаб қўймаган баъзи бир тайёрлов пунктларида тўсқинликка учрамоқда. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши, пахта тозалаш заводларининг ва тайёрлов пунктларининг раҳбарлари йўлдаги бу говни тездан улоқтириб ташлашлари, ҳосилни йиғиб-териб олиш ва ташишдаги бу прогрессив технологияга кенг йўл очишлари керак.

Республикамиз пахтакорлари, механизаторлари КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун астойдил курашиб, Ватанга 3 миллион 200 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан, шунингдек, ҳосилнинг анча қисмини машинада териш ва қоп-қанорсиз ташиш юзасидан олган мажбуриятларини шараф билан бажарадилар.

П. СОКОЛОВ,
Н. ФЕРШТАТ,
Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган механизаторлар.

Давлатга кўпроқ каноп пояси етказиб берайлик

Республикамиз Совет Иттифоқидаги асосий каноп пояси етиштириш базаси ҳисобланади. Ўтган йили мамлакатда тайёрланган каноп пояснинг 80 процентини Ўзбекистон лубкорлари бердилар. Республикамизда етиштирилган канопнинг толаси сифат жиҳатидан чет мамлакатлардан келтириладиган жутдан қолишмайди, пишиқлиги, чидамлилиги жиҳатидан анча устун туради.

Тошкент областининг лубкорлари КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини бажара бориб, мўл каноп пояси етиштирдилар. Етиштирилган ҳосил олинган мажбуриятнинг тўла бажарилишини таъминладилар. Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», «Правда», Свердлов номли колхозлар гектаридан 200 центнер ва ундан ҳам ошириб ҳосил олдилар. Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли, Энгельс номли, Сталин номли, Ленин номли колхозлар гектаридан 150-170 центнердан каноп пояси олмоқдалар.

Шу кунларда Тошкент областининг лубкор хўжаликларида каноп ўрими қизғин бормоқда. Лубкорлар давлатга 220 минг тонна сифатли каноп пояси топшириш учун социалистик мусобақани янада авж олдирдилар.

Ўрилган каноп пояснни дарҳол далаларнинг ўзида қайта ишлаш ва давлатга яшил луб топшириш колхозлар учун фойдалидир. Бундай пояни қайта ишланғандан сўнг 2-3 кундан кейин топшириш мумкин. Қайта ишланмаган каноп пояси эса ўрилгандан сўнг 30-35 кун ўтгач топширилади.

Каноп етиштирадиган хўжаликлар 1955 йилда 11,3 минг тонна пояни, яъни бутун ҳосилнинг 56 процентини тайёрлаш пунктларига қайта ишлаб топширдилар. 1957 йилда бу рақам 22,6 минг тоннага 1960 йилда эса 47 минг тоннага етди.

Бу йил лубкорлар 15 минг гектар ердаги ҳосилнинг даланинг ўзида қайта ишлаб топширишлари керак. Бу вазифани бажариш учун «НП-9» маркали машиналарнинг ҳаммаси ишга туширилиши лозим. Бу машиналарнинг ҳар бири, биласн Юқори Чирчиқ районида 1700 тонна, Қуйи Чирчиқ районида 1500 тонна каноп пояснни қайта ишлашга тўғри келади.

Илғор лубкор хўжаликларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, машиналарнинг иш унумини ошириш орқали давлатга қайта ишланган 30 минг тонна поя топшириш вазифасини муваффақиятли ҳал қилиш мумкин. Масалан, «Политотдел», «Правда», Свердлов номли, Димитров номли колхозларда ҳар бир «НП-9» машинаси билан кунига 12-14 тонна, илғор бригадаларда эса 16-19 тоннага яқин каноп пояси далада қайта ишланяпти.

Ўрим-йиғим даврида ишни тўғри ташкил қилиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш—муваффақият гаровидир. Илғор колхозларнинг тажрибасини қўлланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида ҳар бир машина учун 30-32 кишини ажратиш лозим. Шундан 4-5 киши каноп ўрса, қолганлари поя ташийди, йиғади, қайта ишланган пояни тўплаб туради. Машина барабанида эса 8 киши сменалашиб ишлайди. Барабанда ишловчиларнинг ҳар 20-30 минутда алмашиб туриши машинанинг иш унумини деярли икки баравар ошириш имконини беради.

Одатда, каноп пояснни ўриш экин гуллагач 16-20 кундан сўнг бошланади. Бу вақтда луб пояси нобуд бўлмайди, толаси сифатли чиқади. Аммо бу йил сув камчил бўлганлиги сабабли ҳар қайси участкадаги экинни ўрим навбатини мўлжаллаб суғоришда катта қийинчилик юз берди. Шу сабабли поя сифатининг бузилмаслиги учун канопни ўриш ва уни қайта ишлашни аввало сув билан яхши таъминланмаган участкалардан бошлаш керак. Шу билан бирга ҳамма «НП-9» машиналарининг тўхтовсиз ва унумли ишлашини таъминлаш зарур.

Қуйи Чирчиқ районидаги «Гулистон» колхозида каноп пояснни қайта ишлайдиган машина етарли эмас. Бу ерда ҳар бир машина билан 60 гектар ердаги ҳосилни қайта ишлашга тўғри келади. Каноп ўриш ва уни қайта ишлашда бу колхозга амалий ёрдам бериш лозим. «Коммунизм» совхозида канопни қайта ишлаш яхши ташкил этилмаган. Совхозда 52 та машинадан бир қисми ишга солинган йўқ. Бундай камчиликни дарҳол бартараф қилиш пайти келди.

Ўзбекистон каноп толаси ҳар ерда машҳур. Тола сифатининг пасайишига йўл қўймаслик учун каноп ўриш ва уни қайта ишлаш суръатини ошириш лозим. Совхоз ва колхозларнинг агрономлари, инженерлари доим далада бўлишлари, шу долзарб кунларда лубкорларга социалистик мажбуриятларини тезрок бажариш учун кўрашларида катта ёрдам кўрсатишлари зарур.

Г. А. ПЕРЕВЕРЗЕВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, Сталин мукофоти лауреати.

Ҳар бир колхозда шундай қилса бўлади

«ХВС-1,2» машинасининг бункери тўлгандан кейин терилган пахтани автоматик тарзда махсус прицепга бўшатиш мумкин. Лекин «СХМ-48М» машинасида ёки қўлда терилган пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун нима қилиш керак? Ахир, ҳозиргача хирмонларда қуритилган пахтани прицепга солиш учун махсус машина яратилмаган-ку!

Янгийўл районидаги Сталин номли колхоз аъзолари бу йил 1350 гектар майдонга чигит экиб, гектаридан 35 центнердан пахта сотамиз дейишган. Колхоз давлат омборига 4400 тонна «оқ олтин» тўкиши керак. Шундан 2100 тоннаси қоп-қанорсиз ташилади. Ҳозир терим қизғин боряпти.

Колхознинг бош агрономи Мели Муҳаммедов, бош инженери Аҳмаджон Анорқулов ва колхоз раисининг механизация бўйича ўринбосари Иўлдош Охунов ўртоқлар қўлда терилган пахтани хирмонда қуритгандан кейин кам куч сарфлаб, прицепга ортиш тўғрисида ўйлай бошладилар. Ахир, бир тонна пахтани 6 киши бир соатда зўрга қоплайди. Тағин бунинг устига йиртиқ қопларни ямаш, қоп-қанорларнинг оғзини бўғиш учун кўп вақт, кўп куч, кўп маблағ кетади. Наҳотки, бунинг иложи бўлмаса. Бунинг иложи шуки, пахтани кўпрок қоп-қанорсиз ташиш керак. Лекин хирмонда қуритилган пахтани прицепга босиш учун тағин бир неча киши керак бўлади. Қандай қилсак, прицепни пахтага осонликча тўлдира оламиз?

Колхоз мутахассислари механизаторлар билан маслаҳатлашиб кўрдилар. Бунинг чораси топилди. Кўрак узадиган машина — «СКН-6» механизмининг бункери ва бошқа ортиқча қисмлари вақтинча олиб қўйилди. Вентиляторга қўшимча труба қўшилди. Энди хирмонда яйратилган пахтани бир киши паншахада узатиб турса бас. Вентилятор автоматик тарзда пахтани «ҳўплаб», прицепга «қўяверади». Шундай қилиб, 7-8 тонна пахтани бир киши бир соатда прицепга жойлай олади. Кеч кузгача бекор турадиган кўрак узиш машинасининг умри ҳам беҳуда ўтмайди.

Колхознинг 6 ва 7-бригадаларида пахтани прицепга юклашнинг ана шу жуда қулай усулидан, колхоз мутахассисларининг ўзлари ясаган механизмлардан фойдаланилмоқда. Кўсак чувийдиган машинани бу тариқа мослаштириш қийин эмас. Унга 3-4 соат вақт кетади, холос.

Республикамиздаги ҳар бир колхозда бу прогрессив иш усулидан фойдаланиш мумкин. Терилган пахтани прицепга механизмлар ёрдами билан ортиш пахтани қоп-қанорсиз ташишда бўладиган харажатларни янада камайтиради, хирмонларда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини беради. Бу — хирмон ишларидан бўшаган кишилар этак боғлаб, кўпроқ пахта терадилар, республикамизнинг маррага тезроқ етиб келишига муносиб ҳисса қўшадилар деган сўздир.

СУРАТДА: 7-бригадада пахтани механизм ёрдами билан прицепга ортиш пайти.

В. Сироткин фотоси.

Чорва фермаларида

Поп районидаги «Правда» колхозининг сигир согувчиси Сотқиной Парпиева ўзига биркитилган 16 бош сигирнинг ҳар биридан ҳозиргача 3 минг килограммга яқин сут согиб олди. У ҳар сигирдан 4 минг килограммдан сут согиб олиш ҳақида берган ваъдасини КПСС XXII съезди очиладиган кунгача бажариш учун курашмоқда.

М. БОЗОРОВ,
Н. КОМИЛОВ.

* * *

Киров номли колхоз чорвадорлари етти йилликнинг учинчи йилида 65 центнер парранда гўшти етиштириш мажбуриятини олган эдилар. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун астойдил курашиб, мажбуриятларини Гузор районида биринчи бўлиб бажардилар. Колхоз давлатга парранда гўштидан ташқари 211 минг дона тухум ҳам согди.

И. ҲАҚҚУЛОВ.

* * *

Ўлбўсин Тансиқбоева Қорақалпоғистон АССРдаги «Қорақалпоқ» совхозининг энг яхши сигир согувчиларидан ҳисобланади. У 17 бош сигирнинг ҳар биридан ҳозиргача 2260 килограммдан сут согиб олди. Ўртоқ Тансиқбоева КПСС XXII съезди шарафига, ҳар бир сигирдан яна 1500 килограммдан сут согиб олишга аҳд қилди.

Б. ФАЙЗУЛЛАЕВ.



СУРАТДА: Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Нурхон АБДУЛЛАЕВ бошлиқ 2-бригадасида бункердаги пахта прицепга бўшатилаяпти.

Р. Шамсиддинов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЧОРВАНГИЗ ҚИШДА НИМА ЕЙДИ?

Чорвачилик Қизилтепа районининг экономикасида асосий ўрин тутади. Район чорвадорлари етти йилликнинг учинчи йилида давлатга 1000 тонна гўшт, 2100 тонна сут, 176 тонна жун етказиб бериш юзасидан юксак мажбуриятлар олганлар. Бу мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан чорва моллари тўйдириб боқишга, мустаҳкам ем-хашак базасини барпо этишга боғлиқ.

Аммо, район колхозларида чорва моллар учун ем-хашак тайёрлаш қониқарсиз бормоқда. Дағал хашак тайёрлаш плани энди 21 процент, беда тайёрлаш плани 45 процент, силос бостириш плани 25 процент бажарилди, холос. Бу аҳвол чорва маҳсулоти етиштиришга салбий таъсир этмоқда.

Районда 1706 бош сигир боқиляпти. Ҳар бош сигирдан 1800 литрдан сут согиб олиш мажбурияти қабул қилинган. Лекин, бу мажбурият қоғозда қолиб кетаётир. 1960 йилнинг шу вақтида ҳар бош сигирдан 700 литрдан сут согиб олинган бўлса, бу йил 588 литрдан сут согиб олинди. Бунга сабаб шуки, сигирлар тўйимли озуқалар билан боқилмаётир, туш пайтларида сугорилмайди. Сигирларнинг зотини яхшилаш масаласи билан ҳеч ким шуғулланмайди.

Ўртоқ Мансур Носиров раислик қилаётган Карл Маркс номли колхозда жамоат чорвачилигининг ривожланиши талабга жавоб бермайди. Колхоз правлениеси қишлоқ хўжалигининг бу муҳим тармоғини юксалтиришга етарли эътибор қилмаётир. 377 бош сигирнинг ҳар биридан 1800 литрдан сут согиб олиш мажбурияти олинган бу колхозда ҳар бош сигирдан согиб олинган сут 1960 йилнинг шу вақтидагига нисбатан 225 литр камдир. Бунинг асосий сабаби шуки, колхоз раҳбарлари чорвачиликни ривожлантиришнинг асосий гарови бўлган мўл-кўл ем-хашак тайёрлашдек муҳим ишга ҳар йили бепарво қараб келадилар.

Колхозда ўтган йилги хатолар бу йил ҳам такрорланмоқда. Дағал хашак тайёрлаш плани атиги 33 процент, беда тайёрлаш плани 43 процент, силос бостириш плани 14 процент бажарилди. Тайёрланган хашак гарам қилинмай қолиб кетяпти.

Сталин номли колхозда саккиз ой мобайнида ҳар сигирдан атиги 462 литрдан сут согиб олинди. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти эътибор бермаганликлари натижасида ўтган йили чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш плани бажарилмай қолган эди. Бу йил ҳам сигирлар сони пландагидан 41 бош камайиб кетган. Ҳозирги долзарб пайтда колхозда ҳар куни 583 одам ишлаб, 160 тонна дағал хашак тайёрлаши ва 195 тонна силос бостирилиши лозим. Аммо, бу графикнинг 25-30 процентни бажарилаётир.

Районнинг «Ленинград» колхозида ҳам худди шундай аҳволни кўриш мумкин. Колхозда 4125 тонна силос бостирилиши лозим бўлгани ҳолда, энди 966 тонна бостирилди. Бу ерда дағал хашак тайёрлаш плани энди 23 процент бажарилди. Бу аянчли аҳвол колхоз раиси Тош Мирзаев, раисининг чорвачилик бўйича ўринбосари Азиз Шарипов ўртоқларни сира ташвишлантирмаётир. Колхоз раҳбарлари район партия комитети ва район ижроия комитетида бўлаётган йиғилишларда бу йил қиш учун етарли миқдорда ем-хашак тайёрлаш ҳақида қайта-қайта ваъдалар бераётирлар-у, лекин амалий иш қилмаётирлар.

Ем-хашак тайёрлаш иши «Москва», «Ёш ленинчи» ва Калинин номли колхозларда ҳам жуда ёмон аҳволда. «Бухоро» колхозининг 5, 6, «Ленинград» колхозининг 7- ва Калинин номли колхознинг 4-бригадаларида бедазорлар сугорилмасдан қуриб ётибди. Колхоз зоотехниклари Токаренко ва Ҳамроев ўртоқлар бу соҳага эътибор бермаётирлар.

Районда ҳар куни 1400 тонна дағал хашак тайёрланиши, 1400 тонна силос бостирилиши керак. Лекин бу график фақат 35-40 процент бажарилмоқда. Бу муҳим ишга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш район инспекциясининг раҳбарлари ҳам, колхоз раҳбарлари ҳам ўта кетган даражада бепарволик ва масъулиятсизлик билан қарамоқдалар.

Район партия ва совет ташкилотлари жамоат чорвачилигига конкрет раҳбарликни кучайтириб, ем-хашак тайёрлашдаги қолоқликни тугатишлари керак.

Б. ЙЎЛДОШЕВ.

Съездгача 7-8 тоннадан

Охунбобоев районидаги «Фарғона» колхози аъзолари йиғим-терим мавсумини уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар.

Колхознинг Бўрибой Аллонов, Мамадали Халилов, Турсунбой Ҳамроқулов ўртоқлар бошлиқ бригадалари барча ишчи кучларини теримга сафарбар этиб, кўп ва сифатли пахта тайёрлашда олдинда бормоқдалар.

Мавсумда 10 минг килограммдан «оқ олтин» териш мажбуриятини олган Р. Акбарова, К. Ражабова, К. Юсуфалиева, О. Ҳолиқова кабн комсомол-ёшлар партия XXII съездигача хирмонга 7-8 тоннадан пахта тўкишга аҳд қилишди.

А. ТЎХТАСИНОВ.

«Қизил Ўзбекистон» мухбирлар постининг аъзоси.

БОЛАЛИК

ОЙБЕК

Атоқли ёзувчимиз Ойбек «Болалик» номли автобиографик повестини ёзиб тугатди. Шу асарнинг бошланиш қисмидан парча босамиз.

* * *

Тор кўчада, қўшнимизнинг эски, шалақ эшиги олдида менинг чол бобом ўз ўртоғи билан — узун соқолли, йирик гавдали, кар қулоқ мўйсафид билан — нималар тўғрисидадир эзмаланишиб сўзлашарди. Бобом ориқ кичкина гавдасини деволга суяб, чўққайган, ҳассасини тиззалари орасига қадаган. Ўртоғи эса қўпол, эски сағри кафиш кийган узун, сер тук оёқларини узатиб, офтобга яғринини тутган ҳолда, ерга ёнбошлаб ўтирарди. Кўчадан от, арава ўтмас, шовқин-сурон йўқ. Сийрак ўткинчилар албатта қўл қовуштириб «Ассалом!» деб ўтардилар. Чоллардан бири, ёки иккови бирдан жавоб берарди: «Ва алайкум...»

Мен чолларнинг атрофида айланаман. Дам бобомнинг, дам ўртоғининг гаврондай узун ҳассасини «от» қилиб минаман, тупроқда ҳассалар чизган изга қизиқиб қарайман. Кейин бу қурук таёқларни тараклатиб улоқтираман. Бобом ўсиқ қошлари тагида яширинган кўзларини ёлғондаки олайтириб, кўрсаткич бармоғи билан пўписа килади, мен ҳассаларни тихрлик билан эгаларига қайтараман. Кейин бобомнинг тиззасини қучоқлайман, бир тутам соколини ушлайман, оғзини очишга кистаб, унинг тишларини қидираман:

— Тишинг қани? — сўрайман лабини чўзиб тортиб.

Бобом юқори жағидаги қорайган яримта тишини кўрсатиб, бармоғи билан лиқиллатади: мен куламан. Зерикиб тўппимни осмонга отаман, тупроққа «пўп» этиб тушади. Бобом нохушланиб, қоқиб-суқиб, кийгизиб қўяди.

— Қани, ўғлим кечаги чўпчакни айт! Жуда яхши чўпчак-да, — кистайди мени бобом. Айтмаганимча қўйиб юбормаслигини биламанда ёд олганим ибратли бир чўпчакни айтиб бераман. «Офарин, офарин!» дейдилар иккови ҳам киҳ-киҳ кулиб, чол мени қўйиб юбормайди.

— Қани, энди бир афанди айтиб берсин! — дейди бир кўзини қисиб бобомнинг ўртоғи.

— Билади, билади. Қани, ўғлим, афандининг боққолдан мой олганини айт, — дейди елкамни қокиб бобом.

Мен жиндай тихрлик қилгандан сўнг тўтидай ғужуллаб бераман. Бобом қучоқлаб юзимдан ўпади. Ўртоғи соколини силкиллатиб кулади:

— Эсинг бажо. Илоҳим, мингга кир, — дейди чол. Мен яна ўйин қидираман. Юпқа девор тагидан оқиб чиқиб ҳовузгача қуйилган сувни шапиллатмоқчи бўламан, лекин катта лагандай ҳовузчада ёнғоқдай кичик иккита-учта оғринди олма рақс этади, шаршаракчага яқинлашиб бирин-кетин шўнғийди. Мен қизиқиб, узоқ тикиламан. Олмалар «мен сендан қоламанми?» деб бири-бири билан талашгандай, галма-гал шўнғишади, йўқ, энди сабрим тугайди — энташиб уларни олмоқчи бўламан.

— Ҳай, йиқилиб кетасан, ҳувари! — койинади бобом ва ўрнидан базўр туриб, қўлимдан ушлайди-да уйга олиб жўнайди. Унинг қадди жуда букилган. Жуда секин юради. Ҳар қадамда «ҳудо!» дейди. «Сенга топширдим, Тош омон бўлсин!» деб ёлғиз ўғлини, менинг қишлоқдаги дадамни дуо қилади.

Ўймакор гуллари билинмайдиган даражада ўчган қўш табақали эски эшикка кирамиз. Устунлари, тўсинлари йўғон отхонада бир кўзи кўр, қўнғир сигиримиз пишиллаб ётади. Харида мусичалар кукулашади. Бобом мени бир томони отхонага ёпишган уйига тўппатўғри етаклайди. У ёқ-бу ёқни тимискилаб, наматнинг тагидан катта бир калидни топиб олади-да тўрдаги сандиқни очади. Суюниб сандиққа кўз тикаман. Қоғозлардаги, талинкалардаги ҳар хил мева-чевалардан — парварда, попук, писта ва ҳоказолардан ҳовуч-ҳовуч олиб, этагимни тўлдирсам-да еяверсам... йўқ, бобом ичимни тирнаган бу ҳавасни билгандай, мени секин четга итаради. Атиги бир икки чақим канд, бир икки дона ёпишкоқ попукни қўлимга тутқазади, ҳам дарров сандиқни дарангдурунг билан қулфлайди. «Бувингга кўрсатма, уқдингми?» — деб танбеҳлайди чол.

Бу сандиқнинг ягона хўжайини бувим эканини, меваларни кўз қорачиғидай аяб сақлашини яхши биламан. Шунинг учун ҳовлига чикишга, акамга ё бирон бошка болага кўз-кўз қилишга ўзим ҳам қўрқаман. Ним қоронғу уйда қандни касирлатиб, тез-тез чайнайман. Аммо нима бўлади-ку лоп этиб бувим кириб қолади. Узун бўйли ориқ, қотма кампир кўзларини олайтиради.

— Бобонг қурсин, нега мунча сени яхши кўрмаса! — деб қичқиради.

Мен ҳовлига югураман, олма тагида ёлғиз ўзи тинч ўйнаб юрган акам Исамуҳаммадга кўз-кўз қиламан. У жуда юввош, шовқин-суронсиз, хархашасиз бўлганидан, қизиқиб қарайди-қўяди. Айвонда дўппи тикиб ўтирган онам бувимнинг товушини эшитиб, ундан нохушлангандай, ковоғини солиб, яна қатим отаверади. У мўминмаъқул келинлардан бўлгани учун бувимнинг чизиғидан чиқмас, у билан айтишмас эди.

Опам Каромат биби ҳам — паранжисиз ёш қиз — мактабдан кайтади. Мен маҳалламиздаги унинг мактабини — отин бибининг уйини яхши биламан. Бир кун опамга эргашиб борган эдим. Айвонда анча қизлар — катта-кичик аралаш — катор чизилиб ўтириб чуввос билан китоблар ўқишарди. Отин биби — кари, жиддий, сер савлат хотин — қўлига ингичка, узун таёқни ушлаб, қизлардан кўзларини узмас, курт шимган, сакич чайнаган қизларни таёк билан уриб, ўқишга ундарди...

Мен опамнинг жилдидан калин китобни олиб, пала-партиш варақлайман. Опам куйиниб қўлимдан йириб олишга тиришади. Мен бермайман. Айвоннинг у бошидан бу бошига олиб кочаман, оғир китоб қўлимдан тушиб кетади, мен устига йиқиламан. Шунда онам қўлимдан китобни тортиб олиб, жилдга солади-да баланд қозиққа осиб қўяди. Кейин укам билан ниманидир талашиб, уришаман. Устунга суяниб, офтобда ямоқ ямаб ўтирган бувимнинг кўз ойнагини, ёки ангишвонасини олиб кочаман. Кампир хуноб бўлиб койийди. Мен шодланиб куламан...

1961 йил.

ХУШХАБАРЛАР

ТОШКЕНТ. Пойтахтнинг «Октябрь 40 йиллиги» маҳалласида янги **амбулатория** қуриб **ишга туширилди.** Унинг ички касалликларни даволаш, хирургия ва бошқа бўлимларида ишлаётган малакали врачлар беморларга ўз вақтида намунали тиббий ёрдам кўрсатаётирлар.

М. УСМОНОВ.

САМАРҚАНД. Ургут район матлубот жамияти ташаббуси билан Ворошилов номли колхознинг энг хушҳаво ва серманзара жойида **колхозлар-аро қариялар уйи қад кўтарди.** Ҳозир бу ерда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилаётир.

А. ИБРОҲИМОВ.

ЧИРЧИҚ. «Узбекхиммаш» заводининг касаба союз комитети ишчи-хизматчиларнинг ўз меҳнат отпускаларини кўнгилли ўтказишлари учун доимо ғамхўрлик қилиб келяпти. Ўтган ойлар ичидагина **50 га яқин киши** Иттифоқимизнинг турли **санаторий ва курортларида пулсиз путёвкалар билан даволаниб қайтди.** 130 ишчи-хизматчи эса дам олиш уйларида кўнгилли ҳордиқ чиқарди.

Ж. САРИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ МУЗЕЙИДА



Суратда: ҳайкалтарош **А. ИВАНОВНИНГ** «Тинчликни ҳимоя қилиш» номли композицияси.

И. Глауберзон фотоси.

ТУҲФА

Меҳнат — шон-шараф иши бўлган бизнинг Ватанимизда ҳар бир совет кишисининг юрагида ҳалол меҳнат қилиш, ижод этиш истаги жўш урмоқда.

Ўзбекистон композиторлари ҳам партиямиз съезди шарафига қизғин ижодий меҳнат қилмоқдалар.

Коммунизмнинг улуғ биносини қуришда актив иштирок этаётган замондошларимизнинг меҳнат зафарлари, уларнинг бой ва гўзал маънавий қиёфаси, совет халқлари ўртасидаги мустаҳкам дўстлик, бахтиёр ёшлик, Ватан ва партияни улуғлаш мавзулари композиторларимиз яратаётган асарларнинг асосидир.

С. Юдаков «Ленин ҳақида поэма» яратди. И. Ҳамроевнинг араторияси ҳам улуғ доҳий В. И. Ленинга бағишланган. Б. Гиенко ўзбек миллий асбоблари оркестри учун «Пахта» номли поэма яратди. Поэмада пахта далаларидаги шу кунги жўшқин ҳаёт, теримчи қизларнинг қувноқ тароналари куйланади. Композитор «Юлдузлар сари» номли музикасида эса жаҳонда биринчи бўлиб коннотга парвоз этган Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ю. А. Гагаринниг мислсиз жасоратини улуғлайди.

Композитор М. Бурхонов квартетини, М. Левиевнинг «Ленин ҳақида контата»сини, В. Меенинг «Пахта байрами» номли симфоник поэмасини, ёш композиторлардан С. Вариласнинг тўрт қисмли симфониясини, Х. Раҳимовнинг хор ва симфоник оркестр учун яратаётган поэмасини тез кунларда тинглаймиз.

Музикали драма, опера ва балет жанри соҳасида ҳам бирмунча ишлар қилинаётир. М. Ашрафий «Фурқат» операси, Г. Мушель «Гуллар водийси», Б. Зейдман «Кулаётган одам» балетлари устида ишламоқдалар.

Композитор С. Бобоев Ш. Саъдулла билан «Юлдуз», М. Юсупов А. Бобожон билан «Аваз Ўтар ўғли», М. Левиев Ҳ. Ғулом билан «Тошболта ошиқ», Д. Соатқулов Туйғун билан «Пиллачи ая» асарлари устида ижодий меҳнат қилаётирлар.

Композиторлар кўпгина оммавий қўшиқлар ҳам ёзмоқдалар.

Э. ОХУНОВА.

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ЯКДИЛЛИГИ

ДЕМОКРАТИК ГЕРМАНИЯ МИЛЛИЙ ФРОНТИНИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАСИ

БЕРЛИН, 18 сентябрь. (ТАСС). Кеча, 17 сентябрда Германия Демократик Республикасида маҳаллий ҳокимият органларига сайлов бўлиб ўтди. Бу кун чинакам халқ байрамига айланиб кетди. Меҳнаткашлар сайлов участкаларига оилалари, бутун-бутун коллективлари билан, байроқлар ва меҳнат зафарлари ҳақидаги рапортлар кўтарган ҳолда бордилар. Шаҳар ва қишлоқлардаги паркларда, кўча ва майдонларда кун бўйи музика ва қўшиқлар янграб турди.

Дастлабки маълумотларга кўра, сайловчиларнинг 98 проценти сайловда қатнашган. Миллий фронт кандидатлари учун овоз бериш билан, деди ТАСС мухбирига 1918 йилдан буён Германия Коммунистик партиясининг аъзоси, ҳозир эса Германия Бирлашган социалистик партиясининг аъзоси Густав Бернсдорф, бизнинг халқимиз ўз давлатига ўзи хўжайин эканлигини ва янги ҳаёт қуриш мақсадида тинчликни истаётганлигини баён қилди. Биз, Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари Германия масаласини тинч бартараф этиш йўлида зўр бериб курашаётган самимий дўстимиз — Совет Иттифоқидан миннатдормиз.

Германия Демократик Республикасининг газеталари бугунги сонида сайловнинг бориши ҳақидаги муфассал ҳисоботларни эълон қилиб, сайловга миллий фронтнинг ажойиб ғалабаси, деб баҳо бермоқда.

Германия Демократик Республикасининг гражданлари, деб ёзади «Нейес Дейчланд» газетаси, ўз иродаларини, яъни давлатимиз ўтказаётган тинчлик, социализм, сулҳ шартномаси тузиш сиёсати тарафида қаттиқ турганликларини яққол ифода этдилар.

«Кечаги кун, — деб таъкидлайди «Берлинер Цейтунг» газетаси, — республикамиз аҳолисининг сиёсий активлиги юксаклигини кўрсатиб берди. Кишилар тинчлик учун масъулият ҳиссига, социализм ва тараққиёт шароитида яшаш иштиёқига ниҳоятда тўлиб-тошган ҳолда сайловда қатнашдилар».

ГДРДА МАҲАЛЛИЙ ОРГАНЛАРГА САЙЛОВЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИ

БЕРЛИН, 18 сентябрь. (ТАСС). ГДР маҳаллий ҳокимият органларига 1961 йил 17 сентябрда бўлиб ўтган сайловларнинг дастлабки якунлари эълон қилинди. Сайловларда 12 миллион 378 минг 215 киши қатнашди. Бу эса барча сайловчиларнинг 98,89 процентини ташкил қилади.

Германия Бирлашган социалистлар партияси ва бошқа демократик ташкилотларни ҳамда ГДР оммавий жамоат ташкилотларини ўз ичига олган Германия Демократик Миллий фронти кандидатлари учун сайловчиларнинг 99,96 проценти овоз берди.

КОРЕЯ МЕҲНАТ ПАРТИЯСИНИНГ IV СЪЕЗДИ ЕПИЛДИ

ПХЕНЬЯН, 18 сентябрь. ТАСС мухбирлари Б. КУЛАЕВСКИЙ ва М. ЯКОВЛЕВ хабар берадилар: Корея Меҳнат партиясининг IV съезди бугун ўз ишини тамомлади.

Кечқурунги мажлисда раислик қилувчи ўрток Пак Ким Чер Корея Меҳнат партияси янги сайланган Марказий Комитетнинг бўлиб ўтган биринчи пленумида ўрток Ким Ир Сен Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети раислигига, Цой Ен Ген, Ким Ир, Пак Ким Чер, Ким Чан Ман, Ли Хе Сун ўртоқлар Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети раисининг ўринбосарлари қилиб сайланганликларини эълон қилди.

Марказий Комитет пленуми Сиёсий бюронинг 11 аъзосини ва Сиёсий бюро аъзолигига 4 кандидатни сайлади.

Пленум ўрток Ким Ик Сенни Марказий Комитет Партия контроль комиссиясининг раислигига сайлади.

Ўрток Ким Ре Чжун Корея Меҳнат партияси Марказий ревизия комиссияси раислигига сайланганлиги ҳам эълон қилинди.

Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг раиси ўрток Ким Ир Сен съездда якунловчи нутк сўзлади.

Д. ХАММАРШЕЛЬДНИНГ ҲАЛОКАТИГА ДОИР

НЬЮ-ЙОРК, 18 сентябрь. (ТАСС). Швециядаги «Транс эйр компани» авиакомпаниясининг вакиллари (Д. Хаммаршельд тушган ва ҳалок бўлган самолёт шу компанияники) Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирига Хаммаршельд тушган самолёт «Катанга бандитларининг реактив қирувчи самолёти» томонидан уриб туширилган деб ҳисоблаймиз деганлар.

НЬЮ-ЙОРК, 19 сентябрь. (ТАСС). Ндола районида (Шимолий Родезия) ерга қулаб тушган самолётнинг омон колган пассажири самолётнинг қандай вазиятда ҳалок бўлганлиги тўғрисида баёнот берди. Даг Хаммаршельд ана шу самолётда учган эди.

Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлиги мухбирининг хабар беришича, Хаммаршельднинг шахсий соқчиларидан бири бўлган ана шу пассажир самолётда портлаш бўлганлигини, шундан кейин яна бир неча марта кичик портлашлар рўй берганлигини айтган. Шундан кейин самолёт ерга қулаб тушган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Леопольдвилдаги вакили самолёт диверсия қилинганлиги ёки уриб туширилганлиги натижасида ҳалокатга учраган бўлса керак, деди. АП агентлигининг мухбири Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вакилининг «бу ҳалокат жуда ғалати вазиятда рўй берган бўлса керак» деб айтганлигини маълум қилади.

ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯ БУНДЕСТАГИГА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВНИНГ ДАСТЛАБКИ ЯКУНЛАРИ

БОНН, 18 сентябрь. (ТАСС). Ғарбий Германия бундестагига ўтказилган сайловнинг дастлабки якунлари бу ерда эълон қилинди. Ҳукмрон христиан демократик иттифоқ-христиан социалистик иттифоқ партияси (Аденауэр партияси) мутлақ кўпчилик овоздан маҳрум бўлди. Бу партия учун 1957 йилда бўлган сайловда 50,2 процент овоз берилган бўлса, кеча 45,2 процент овоз берилди.

Ҳукмрон партиянинг асосий рақиби — Германия социал демократик партияси 1957 йилги сайловдаги 31,8 процент ўрнига 36,3 процент овоз олди.

Эркин демократик партия овозлар сонининг энг кўп ўсишига эришди. Сайловчилар овозининг 12,7 проценти шу партия учун берилди. 1957 йилда эркин демократик партия 7,7 процент овоз олган эди.

Фақат ана шу уч партия бундестагда ўз вакилларига эга бўлиш ҳуқуқини олди. Қолган партияларнинг биронтаси Бонн конституциясига мувофиқ бундестагда депутатлик мандатлари олиш учун зарур бўлган беш процент овоз ололмади.

«Умумгерман партияси» сайловчилар овозининг 2,7 процентини, немис тинчлик иттифоқи 1,9 процентини, «немис империя партияси» 0,8 процентини олди.

Христиан демократик иттифоқ-христиан социалистик иттифоқ янги бундестагда жами 241 мандатга (1957 йилда 270 мандатга эга эди). Германия социал-демократик партияси 190 мандатга (илгариги 169 мандат ўрнига), озод демократик партия 66 мандатга (илгари 41 мандат ўрнига) эга бўлади.

Бир сайлов округида сайлов шу йилнинг 1 октябрида ўтказилади.

ВАТАН ИШИ МУҚАДДАС

Юрт юмуши доим муқаддас,
Бўлмас ундан афзалроқ коринг,
Бу иш учун ҳар он тайёрсан —
Э, қалб кучли номусинг — оринг.
Меҳнат қилиш ҳаққу-ҳуқуқинг,
Улуғ мақсадларга чорлайсан.
Адашмайман ҳалол яшашдан,
Қалбимда сен — қуёш, порлайсан.
Кўролмайсан сохталикни ҳеч,
Ҳақиқатга доим ундайсан.
Учраб қолса иғвоми, бўҳтон,
Ҳужумкорсан! Доим шундайсан!
Юртим учун содиқ эй, қалбим,
Ўргангансан енгиш ҳунарин.
Ленин каби элни севайлик.
Бўлайлик биз ишчан, камтарин.

Усмон ҚЎЛДОШ,
Андижон.

БОЛАЛАР ШАРҚ ТИЛЛАРИНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

Дарс соати. Коридор жимжит. Фақат бир синфнинг кия очиқ қолган эшигидан ўқитувчининг — «Ким доскага чиқади? Нилуфар Хўжаева марҳамат» дегани эшитилди.

— Езинг: ассалому яфизул харба. Энди таржима қилинг.

Нилуфар ўқитувчи айтган гапларни доскага ёзиб, «тинчлик урушни енгади» деб таржима қилди.

Бу ерда араб тили дарси ўтказилаётган экан. Ўқитувчи Э. Аҳмадхўжаев 9-синф ўқувчиларига тўрт йилдан буён араб тилини ўргатяпти. Ҳозир ўқувчилар араб ёзувида бемалол ўз фикрларини ифода эта оладиган бўлдилар.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг ўзбек мактабларида Шарқ тилларини ўқитишга доир чиқарган қарорига биноан, 1957 йилда Тошкент шаҳар. Октябрь районидаги 22-мактабнинг 2, 3, 4-синфларида араб тили ўқитила бошланди. Ўзбек мактабларида Шарқ тилларининг ўқитилиши маҳаллий миллат болалари учун осон бўлмади, албатта. Бу ишда шаҳар халқ маорифи бўлими, Тошкент давлат университети шарқшунослик факультетининг ўқитувчилар коллективи ҳамда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг ходимлари 22-мактабга яқиндан ёрдам бердилар. Улар ўқувчиларга сўзларни қандай талаффуз қилишни ўргатиш учун магнитофондан фойдаланишни, бир соат дарсни бир вақтнинг ўзида икки ўқитувчи олиб боришини таклиф қилдилар. Бундай ҳамкорлик яхши натижа берди. Ҳозир мактабнинг юқори синф ўқувчиларидан Ҳ. Ашуров, Қ. Абдуманнопов, Н. Хўжаева, Р. Умарова ва бошқалар араб тилидаги ёзувларни бемалол ўқиб, таржима қила оладиган бўлдилар.

Чет элдан келган меҳмонлар 22-мактабнинг Шарқ халқлари тилларини ўрганаётган ўқувчиларига тасанно айтмоқдалар. Бирлашган Араб Республикасининг Кобилдаги элчиси Аҳмад Фарид Абу Шоди 1959 йилда мактабнинг 6 «В» синфида (ҳозирги 8-синф) бир соат дарсда ўтирди ва таассуротлар дафтарига қуйидагиларни ёзди:

«Болаларнинг араб тилини пухта эгаллаётганликлари яққол кўриниб турибди. Талабаларга билим бераётган ўқитувчиларга раҳмат!»

Шунингдек, АҚШ, Ливан, Судан, Италия, Сомали, Куба Республикаси ва бошқа мамлакатларнинг вакиллари ҳам бу мактабда бўлганларида дарсларда қатнашганлар. Тожикистон, Озарбайжон ва бошқа қардош республикалар маорифчилари ҳам ўз таассуротларини ёзиб қолдирганлар.

Ҳозир мактабнинг ўн етти синфида (3-синфдан 9-синфгача) 662 ўқувчига араб тили ўқитилмоқда. Шарқ халқлари тиллари ўқитилаётган мактаблар сони йил сайин кўпаймоқда. Янги ўқув йилидан бошлаб. Тошкент шаҳрида ҳаммаси бўлиб, 9 мактабда қарийб 4 минг бола ҳинд, форс, араб, хитой тилларини қунт билан ўрганмоқда. Келажакда бундай мактаблар янада кўпаяди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг чет тилларни ўрганиш тўғрисидаги қарори республикамиз мактабларида чет тилларни, жумладан шарқ тилларини ўқитишни янада яхшилаш учун программ ҳужжат бўлиб қолди. Бу Қарорга биноан республикамизнинг Тошкент, Самарқанд, Андижон, Бухоро, Термиз, Фарғона, Урганч, Нукус сингари шаҳарларидаги айрим мактабларда ҳам Шарқ тиллари ўқитилади. 1965 йилга бориб, республиканинг яна 51 мактабида ҳинд, форс, араб, хитой, урду тиллари ўқитилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, республикамиз мактабларида Шарқ тилларини Тошкент Давлат университетининг Шарқшунослик факультетини тамомлаб чиқаётган педагоглар ўқитмоқдалар. Ҳозир эса университет Шарқшунослик факультетининг ўқитувчилари Шарқ тилларини ўқитиш учун турли дарсликлар тайёрламоқдалар. Бир группа ўқитувчилар ҳинд, урду тиллари дарсликларининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларини ёзиб тугатишди. 1, 2-синфлар учун хитой тили дарслиги ҳамда ҳиндча-ўзбекча сўзлашув китоби чиқарилди.

Буларнинг ҳаммаси республика мактабларида Шарқ халқлари тилларини ўқитиш савиясини янада яхшилашда муҳим омил бўлиб хизмат этади. Бу эса республикада шарқшунос олимлар тайёрлаб чиқариш ишини енгиллаштиради.

Г. ЖАЛИЛОВА.

«БИЗ СИЗДАН КУП НАРСА ЎРГАНИШИМИЗ МУМКИН»

МАРОКАШДАН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диния бошқармасининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлаётган Марокашнинг Ислом ишлари бўйича давлат министри Аллал Алфасси бошчилигидаги Марокаш мусулмон арбоблари делегацияси Ўзбекистонда бир неча кун бўлди.

Меҳмонлар республика ҳаёти билан таниша туриб, бир қанча саноат корхоналари, колхозлар, илмий ташкилотлар, маданий оқартув ва болалар муассасаларида бўлдилар. Ўзбекистоннинг давлат ва жамоат арбоблари билан учрашдилар ҳамда суҳбатлашдилар. Делегация аъзолари Самарқандда бўлиб, улар бу ерда ўзбек халқи қадимги маданиятининг ёдгорликларини кўздан кечирдилар, халқнинг ҳозирги ҳаёти билан қизиқдилар.

Марокаш делегацияси 19 сентябрда Тошкентдан Бокуга жўнаб кетди. Марокаш министри Аллал Алфасси жўнаб кетиш олдидан матбуот учун баёнот берди. У, ўзининг бу баёнотида Ўзбекистонда бўлиш делегация аъзолари учун энг яхши таассурот қолдирганлигини таъкидлаб ўтди. Меҳмон ўзи бўлган ҳамма жойда Совет Иттифоқининг тинчлик учун астойдил курашаётганлигига ва ёш авлодни тинчликсеварлик руҳида тарбиялаётганлигига яна бир марта ишонч ҳосил қилиш имконига эга бўлганлигини таъкидлади. Бу эса, деди делегация бошлиғи, урушнинг бўлмаслигига ишончимизни кучайтиради.

Аллал Алфасси ишонч бидириб айтдики, СССР ва Марокаш ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ана шу мамлакатларнинг халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида ривожланаверади. «Биз сиздан кўп нарса ўрганишимиз мумкин», — деб таъкидлади меҳмон. (ЎзТАГ).

ЭЪЛОНЛАР ТОМОШАЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

20 СЕНТЯБРДА

19.00 — **Иш ва кишилар** (киноочерк), 19.30 — **Коммунизм қуриш программаси** (рус тилида лекция), 19.50 — **Тўғри овқатланиш** (илмий-оммабоп фильм), 20.00 — **Элина Бистрицкая** («Севимли кино артистлари» циклидан), 21.00 — **Телевизион янгиликлар**, 21.20 — **Бўрилар ва қўйлар** фильм-спектаклининг иккинчи қисми.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/IX да **Демон**, 21/IX да **Боғчасарой фонтани.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 20/IX да **Фурқат**, 21/IX да **Тоғажиянлар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 20/IX да **Равшан ва Зулхумор**, 21/IX да **Зарафшон қизи.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 21/IX кеч соат 8 да **Ўзбек давлат филармонияси солистларининг катта концерти.** Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Комилжон Отаниёзов, Шаҳодат Раҳимова** ва бошқалар қатнашади.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Инспектор визити — «ВАТАН», «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Иван Рибаков — «ВАТАН» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 2 да), «ДРУЖБА» (2-залда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Биримиз — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Солдат қалби (кеч соат 5 ва 10-20 минутда), **Хазиналар ороли** (кундуз ва кечқурун) — НАВОИЙ номли.

Роман ва Франческа — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз соат 4 да).

Дўстим, Колька — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ун учинчи арзанда — «СПУТНИК», (жуфт соатларда).

Волга-Волга — «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун).

Юлдузлар сари биринчи сафар (кундуз ва кечқурун). **Сукунат оламида** (кеч соат 9-20 минутда) — КИНОЛЕКТОРИЙ.

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Шарқ томон 10 қадам — «ОКТЯБРЬ».
Иван Рибаков — «ВАТАН».
Тўрт йўл — НАВОИЙ номли.
Инспектор визити — «ФЕСТИВАЛЬ», ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 10-40 минутда), ПУШКИН номли (кеч 8 да).
Биринчи синовлар (1 ва 2-серия) — ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 7 яримда), «САЛЮТ».
Варшава сиренаси — «ХЕВА».
Бир дарё бўйида — ПУШКИН номли (кеч соат 9 яримда).
Хазиналар ороли — «УДАРНИК».
Мяннард оиласи — «ПОБЕДА».
Дилларда баҳор — «ШАРҚ».
Юлдуз — КАФАНОВ номли.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
ТЕЗ КУНДА
ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
Аҳмад Бобожон асари.
Ғазал фожиаси
(Аваз Ўтар)
3 пардали музикали драма.
Матниёз Юсупов музикаси.
Постановкачи режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти Т. Хўжаев, дирижёр — Н. М. Гинзбург, рассом — Г. А. Визель, балетмейстер — Т. Г. Литвинова.
Бош ролларда: Ўзбекистон ССР халқ артисти Маҳмуджон Ғафуров, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Фарогат Раҳматова.

«УЗГЛАВМЕТАЛЛОСНАБСБИТ»
МЕТАЛЛ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИГА БИЛДИРАДИКИ,
инвентаризация муносабати билан
ТОШКЕНТ МЕТАЛЛ БАЗАСИ ВА ҚУҚОН МЕТАЛЛ СКЛАДИ
1 октябрдан бошлаб
металл ва металл буюмлар бермайди
Сентябрда ёзилган нарлд-приказлар 30 сентябргача ярайди.
Шу муносабат билан, металл маҳсулотини, шунингдек базага келтирилган транзит металлни ўз вақтида олиб чиқиш сўралади.

ТОШКЕНТ ТУҚИМАЧИЛИК ИНСТИТУТИ
олий математика кафедрасида доцент ёки физика-математика фанлари кандидати вазифасида ишлаш учун
КОНКУРС
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Конкурс муддати — 2/X гача.
Ҳужжатларни топшириш учун адрес: Тошкент шаҳар, 2-Виборг кўчаси, 5-уй, Тўқимачилик институти, илмий бўлим. Телефон 59-214.

Редактор
З. И. ЕСЕНБОЕВ.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 34780. Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 31226. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмаҳонаси Тошкент шаҳри
Р 01716. Нашр. Б. 221.